



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 31-may, chorshanba

№ 22 (1033)

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ДУНЁ БОЛАЛАРИ

Жорий йил 24-30 апрель кунлари ЮНЕСКО хамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бутунжаҳон иммунизация ҳафтасини ўтказди. Бу болалар ҳаётини ҳимоя қилишнинг самарали йўллари билан бириктириш. Шунга қарамай, дунё бўйича 19,4 миллион бола вакцинациядан четда қолмоқда. Иммунизация ёрдамида йилга икки-уч миллион гўдакнинг соғломлаштирилиши кўзда тутилган, ушбу тадбир кенг қамровда ўтказилган тақдирда яна 1,5 миллион бола ҳасталиклардан асраб қолиниши мумкин.

5-бет

ТУНГИ МУХБИР РЕПОРТАЖИ

Ўхшас "оммавий маданият" томирини озиклантираётган гўшалар

23:45 да оила бағрида, балки ширин уйкуда бўлиш ўрнига, ўз шаънига доғ тушираётган бу аёллар ярим кечаси тунги клубларда нима қилиб юрибди? Ўзи тунги клублар кимлар учун? Шу каби саволлар пойтахтимизнинг баъзи гўшаларини кезишга, фаолиятини тонггача юритаётган "подвал"ларни қидириб топишга, кузатишга, умуман журналистик текширув олиб боришга ундади.

6-7-бет

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИНГ МОҲИЯТИ

Яқиндагина Ўртабосимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш асносида мазкур ҳудудда жойлашган "Сузуқ ота" мақбараси ва жомеъ масжидида бўлиб, жамоатчилик вакиллари билан қилган суҳбатини тингларканмиз, динимизнинг асл моҳиятини ёшлар онгу шуурига синдиришда нималарга чуқурроқ эътибор қаратиш лозимлиги борасида ўзимизга тегишли хулосалар чиқардик. Динимизга, қадриятларимизга давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори барчамизни қувонтирди.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май кuni мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Шайх Абдулла бин Зоид ал-Наҳаёни қабул қилди.

26 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Женерал Моторс Ўзбекистон" АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нархлар шаклланишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" ги қарорни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 май кuni Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Бош вазири Ўринбосари Йилдирим Туғрул Туркешини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 май кuni пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

29 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Хитой мамлакатларига ташрифлари давомида ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган олий даражадаги учрашувлари якунлари бўйича имзоланган битимлар, шартномалар ва муайян соҳаларда ўзаро шериклиқни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиаконкомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳаммаси.



Ёшлиқ, шижоат, ғалаба ва қатъият мусобақаси

Уч босқичли узлуксиз спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари минглаб спортсевар ёшларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, ҳаёт йўлини белгилаб берадиган муҳим спорт байрамига айланиши ҳеч кимга сир эмас. Мазкур тизим мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабаларни қамраб олиб, уларда спорт билан доимий шуғулланиш кўникмасини шакллантирмоқда.

Ёш спортчиларнинг ирода-сини тоблаш, ғалаба сари қатъият билан курашиш фази-латларини шакллантириш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўғил-қизларимизни эзгу ғоялар йўлида бирлашти-риш ва ўзаро дўстлик ришта-ларини мустаҳкамлашда ҳам ушбу спорт байрамларининг ўрни беқиёс. Турли вилоятлар-да мусобақаларнинг ўтказили-ши худудлар спорт инфрату-зилмасини такомиллаштирил-

моқда, янги ва замонавий спорт иншоотлари барпо эти-либ, зарур спорт инвентарла-ри билан таъминланаётган. Бу ўз навбатида дунёга кириб к-лаётган болажонлар учун му-ҳим аҳамият касб этади.

25-27 май кунлари Жиззах вилояти академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ўқув-чилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Баркамол авлод" спорт ўйин-ларининг Республика финал

босқичига мезбонлик қилди. "Баркамол авлод" спорт ўйин-лари ilk маротаба 2001 йил 30 апрель – 7 май кунлари Жиз-захда ўтказилган эди. Шундан сўнг, мазкур ўзига хос "кичик олимпиада"га Андижон, Чир-чиқ, Нукус, Термиз ва Наман-ган шаҳрлари мезбонлик қил-ган. "Баркамол авлод" спорт беллашувларини ўтказиш тар-тиби ҳам йиллар ўтган сайин такомиллашди. Биринчи мар-та Жиззахда ўтган мусобақада спортнинг 7 турида беллашу-лар ўтган бўлса, бугунги кунда олимпиада дастурига киритил-ган 17 та тур бўйича беллашу-лар уюштирилди.

Бу галги мезбон "кичик олимпиада"ни муносиб ўтқа-зиш учун барча имкониятла-рини ишга солди. Амалга оши-рилган улкан бунёдкорлик иш-лари натижасида Жиззах шаҳ-рининг қиёфаси бутунлай ўзга-риб, қайта чирой очди. Янги ижтимоий объектлар барпо эти-либ, мавжуд спорт майдонла-ри ва иншоотлар, ўқув юр-тлари бинолари таъмирланди, кўча ва хиёбонлар ободонлаш-тирилди. Хусусан, қарийб 14 километрлик ички йўлларда 12 миллион сўмликдан зиёд иш-лар бажарилди. 1 миллион 375 минг донга гул қўчати, 4 минг 815 туپ манзарали дарахт қўча-ти, 698 та кўп йиллик ўсим-ликлар экилди. Тадбирнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилган "Сў-диёна" марказий стадиони эса халқаро мусобақаларга мез-бонлик қилиш учун барча та-лабларга жавоб берадиган ҳолатда барпо этилган.

25 май кuni ана шу муҳта-шам стадионда "Баркамол ав-лод – 2017" спорт ўйинлари-нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросим майдонга йиғил-ган ва телевизор қаршисида турган томошабинларда катта таассурот қолдирди.

8

ОЛТИН КЎПРИК



Синчиклаб назар солсангиз, улуғ бобо-миз номи билан атала-диган Навоий вилояти ўзига хос қиёфаси билан бошқа худудла-римиздан ажралиб туради.

Саранжому саришта, кўркам ва бағри кенг Навоий шаҳри кўчалари замонавий қиёфасига ҳамоҳанг равишда чароғон. Бу ерда ўзбек қозоғини бовурум деб авайлайди, қарақалпоқ, рус, тожик, қўйингки, турли миллат ва элат вакиллари бир-бирига эш, йўлдош, меҳрибон...

Четдан қараганда бу гўзал бўстонда инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган ҳамма нарса



муҳайё. Ҳамиша кўнгли талпиниб турадиган бу суюкли маконга қадами етган киши борки, шундай ўйласа, ажаб эмас.

Нуротанинг зилол чашмасидан баҳра олмаган, қадим аждод-лар турмуш тарзидан ҳикоя қилувчи Сармиш-шой қояларидаги турфа суратларга лолу хайрон боқмаган киши топил-маса керак.

Биз ижодкорлар Навоий вилоятига худди бобомизнинг илиқ бағрига ошиққандек талпинамиз. Барча ўзгаришлар кўз ўнгимизда содир бўлаётган-нига гувоҳимиз. Дам олиш боғларию ҳаво-

бахш фавворалар, за-монавий турар жой иншоотларию корхона-лар, ўқув муассасала-рию тарбия ўчоқлари... бари-бариси навоийлик замондошларимизнинг турмуши фаровонлигини таъминлаш, дастурхони-ни обод этиш, тинч ва тотув ҳаёт кечиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги кўринишларидир. Одат-да жойларга чиққан-мизда ҳаётга ижтимоий нуқтаи назардан шу тарзда қарардик, мақо-лаларимиз ҳам, таассу-ротларимиз ҳам ҳавойи эмас-ку, ҳар ҳолда шу янглиғ руҳда бўларди.

2

Ҳурматли муштарийлар,

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин.

Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да топ этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС



КИТОБ БАЙРАМИ

Жорий йилнинг 25-27 май кунлари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келахакка эътибор" шиори остида республика "Китоб байрами" маънавий-маъри-фий тадбири ўтказилди.

4

ОЛТИН КЎПРИК

«Бошланиши I-белда»

Бу галги ижодий сафарнинг бичими ўзгачароқ бўлди. Аниқроғи, буни ўзимиз ҳам ҳудудга борганимиздан сўнг яққол сездик.

Сўнгги маълумотларга таянадиган бўлсак, вилоятда салкам бир миллион аҳоли истиқомат қилади. Бу шунча инсоннинг фикру ҳаёли, орзу умидлари, муаммолари, тақдирини қисмати ҳам бетакрор деганидир.

Бу ҳолни нуфузи 32 миллионли халқимиз турмуш тарзида тасаввур этсак, бир олам муаммолар, жамоатчилик кўмагида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Конституциясининг 24 йиллиги тантанасида 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиши ва олижаноб ушбу мақсадни амалга ошириш учун Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолият кўрсатаётгани дарёдил халқимизнинг кўнглига олтин кўприк бўлиб тушди.

Халқ билан мулоқот! Унинг мазмун-моҳиятида Она Ватанимизнинг буюк келажagini ҳамжиҳатлик билан барпо этиш, қудратига-қудрат, бойлигига-бойлик қўшилиш каби эзгу ниятлар ётибди. Қўзланган мақсадларга етилиш учун аввало, унинг танти бўёқдорлари — одамларимизнинг қалбидаги орзу умидларига қанот бағишлаш, ҳолидан хабар олиш, улар билан бир тан, бир жон бўлиб, эркин ва жўшқин фаолият юритишлари учун тўғаноқ бўлаётган муаммоларни ўрганиш, баргараф этиш каби масъулиятли вазифалари турибди. Бу шарафли масъулиятни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ўз зиммасига олганида катта мазмун мужассамлашган.

Хўш, нега айнан Президентнинг Халқ қабулхонаси?! Халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг қалбига қўлоқ тутиш, эзгу ишларга сафарбар қилиш вазирликлар, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги давлат ва ҳукумат идоралари мутасаддиларининг ҳам қўлидан келмасиди? Келмаган экан-да!

Шу боис ҳам Халқ қабулхоналари ўз вақтида ташкил этилди ва бу демократик нукта назардан мамлакатимизнинг давлатчилик тарихида ўзига хос воқеа бўлди. Бошқа мамлакатларда халқ билан қандай мулоқот қилинади, бу уларнинг иши.

Мамлакатимизда эндиликда давлат раҳбаридан тортиб, туман ҳокимига, барча даражадаги давлат идораларининг мутасаддилари халқ қалбига астойдил қўлоқ солмоқда. Мавжуд ҳал ҳақиқатини ўз кўзлари билан кўриб, мувоҳада қилмоқдалар.

Жуда катта ва оғир вазифа! Буни ундаш, халқимизга, унинг тисмолида онамизга кўмак бериш, қаватига кириб, қалбини тиклаш ҳар бир қобил фарзанднинг бурчи.

Навоий вилоятининг олис Қонимех туманида бўлганимизда у ердаги Халқ қабулхонасида иш қилин эди. Бир гуруҳ одамлар навбат билан мутасаддилар қабулига кирмоқда. Бошқа гуруҳлари эса муаммоларга қараб, аввалдан белгиланган режага асосан мутахассислар қабулида турибдилар.

Шу кунги жиноят иши бўйича вилоят суди раиси Арслон Усмонов фуқароларнинг суд ишлари билан боғлиқ масалаларини ҳал этишга экан.

— Фуқароларнинг мурожаатлари туртурга ажратилиб, электрон порталга қўйилиши, режага асосан қабуллар ташкил этилаётгани ишмизни осонлаштирди. Ҳозир ишхонада ўтириб ҳам ўзимизга тегишли вазифаларни кўриб турамыз, дарҳол ҳал этиш чоралари белгиланади. Бугун масалаларни жойида, мурожаатчиларнинг ўзлари билан юзма-юз ўтириб кўриш учун бу ерга келдим. Эртага Учқудуқ билан Зарафшонга йўл олам, — деди у.

Биз ўз муаммоларини тезроқ ҳал этиш ниятида навбат кутаётган фуқароларнинг вақтини олмаслик учун суҳбатни қисқа қилдик.

Қабулхона мудирини Нурул Каримовнинг айтишича, туманда солиқ, прокуратура, маҳалла раислари билан муносабатлар аниқ режа асосига қурилган. Ҳар қайси мутасаддининг ўз қабул кунлари бор. Масала ўз муддатида жойида ҳал этилади. Мураккаблигига қараб таснифланади.

— Маълумки, — дейди Нурул Каримов, — ҳудудимиз анча кенг, ҳамма ҳам туман марказига келиб, ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлаша олмайдилар. Шу сабабли уларнинг қабулхонага келиб мурожаат қилишларини кутиб ўтирмай, туман масъуллари билан бирга сайёр қабулларни ҳам уюштиряймиз. Ой бошида туманининг “Тўққизтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида шундай қабул ўтказилди. “Жайхун” қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Ортиқов қишлоқда ичимлик сув йўқлиги, бундан аҳоли ниҳоятда куй

налаётганини айтиб, кўпчилик номидан шу муаммони ҳал этиб берилишини сўради. Ўз навбатида вилоят “Сув-оқова” ДУК Қонимех туман филиали бошлиғи О.Қамолловга масалани беш кун муддатда кўриб чиқиб, ҳал этиш топшириғи берилди. Муаммо аҳоли иш-тироқида жойида ўрганилди. 2016—2017 йил Давлат дастури доирасида 14,6 километр масофага ичимлик суви қувури ётқизилган. Яқин кунларда туманининг “Шўркўл”, “Жайхун” қишлоғи аҳолиси тўла-тўқис ичимлик суви билан таъминланишига аҳолининг ўзи ҳам амин бўлди. Ҳозирча тоза ичимлик суви махсус транспорт воситаларида етказиб берилмоқда.

Улкан шоиримиз Чўлпоннинг: “Қучоқ очиб халқ ичига бораёйлик”, деган даъватлари бугунги кунда бизнинг фаолият мезонимизни белгилаб турибди. Шундай қабуллардан бири аввалроқ “Юксалиш” МФИда ҳам ўтказилганди. Хуллас, ҳал этилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Хусусан, газ таъминотидаги муаммолар, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатилишини тартибга солиш, қишлоқларнинг ички йўлларини таъмирлаш каби ижтимоий аҳамиятга эга талаблар ҳақиқи равишда аҳолини безовта қилмоқда. Мурожаатларнинг тури хилма-хил. Биров шахсий масалалар кўмак сўрайди, бошқалар жамоатчилик назаридан четда қолаётган бирор муаммони кўтариб чиқади. Энг муҳими ҳаёт жўшқинлашди, одамларда ишонч пайдо бўлди.

Кармана туманида ҳам ичимлик суви муаммоси шу пайтгача туман ҳокимлигининг эътиборидан четда қолиб келаятган экан чоғи, “Дегарон” МФИда яшовчи фуқаро Улўбек Аслонов аҳоли номидан ариза берилганидан сўнг Халқ қабулхонаси мудирини Илҳомиддин Раззоқов Кармана туман ҳокими Ф.Ума

Хўш, нега айнан Президентнинг Халқ қабулхонаси?! Халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг қалбига қўлоқ тутиш, эзгу ишларга сафарбар қилиш вазирликлар, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги давлат ва ҳукумат идоралари мутасаддиларининг ҳам қўлидан келмасиди? Келмаган экан-да!

рова эъза мурожаат қилган.

Тумандаги “Шабзўн” МФИ аҳолиси билан тушган эъза мурожаатнинг мазмунини билан танишсангиз ҳам туман ҳокимлигининг аҳоли муаммоларини ўрганиш даражаси ўз-ўзидан маълум бўлади.

Туманининг “Шабзўн” МФИ 73 нафар аҳолиси билан келиб тушган мурожаати бизнинг ҳам эътиборимизни тортди. Унда “Маданият” маҳалласи ҳудудига жойлашган КВП туман марказидан 14 километр узоқликда жойлашгани, ундан 7 километр узоқликда жойлашган “Янгиобод” қишлоқ аҳолиси “Маданият” КВПдан фойдаланиб келгани, айни пайтда КВПлар тизимида онлайин поликлиникалар ташкил этилиши муносабати билан бир қатор қишлоқ врачлик пунктлари мақбуллаштирилиши назарда тутилгани, бунинг натижасида аҳоли учун ноқулайлик пайдо бўлиши таъкидланган. Юзга келадиган муаммони ижобий ҳал этиш учун қуйидаги таклиф берилган: “Зарафшон” КВП туман марказидан 7 километр, “Жалойир” КВП 10 километр, “Маданият” КВП 14 километр узоқда бўлгани ҳолда “Жалойир” ва “Маданият” КВПлари қисқартирилиши назарда тутилган. Аҳоли эса бўлажақ онлайин поликлиника ўрнатилди — “Жалойир” КВП кесимида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисобланган.

Ваҳоланки, бу каби муаммоларни маҳаллалар, ҳокимликлар доирасида ўз вақтида — эъза мурожаатларисиз ҳал этилса бўладиган ишлар. Бунинг учун мутасаддилар ўз ҳаловатларидан кечиб, халқ тили билан айтганда “Бироз қорнингнинг сувини қимирлатишлари” керак бўлади, ҳолос.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси Халқ қабулхоналаридаги энг долзарб, балки, асосий масалалар. Халқимиз менталитетидан келиб чиқадиган бўлсак, фуқаро давлат органларига минг бир истиҳода билан, бошқа чораси қолмаганидан сўнг мурожаат қилади. Бу масала Навбахор туманидаги Халқ қабулхонаси фаолиятига ҳам ҳосил.

— Бу ерга аҳоли ёрдам сўраб келади, — дейди биз билан суҳбатда қабулхона мудирини Авҳаз Ҳожиёв, — биз эса ҳар бир асосли мурожаат юзасидан кўмак беришимиз шарт. Бирор бир мурожаат эътибордан четда қолаётгани йўқ. Шуниси қувонарлики, аксарият мурожаатлар ижтимоий аҳамиятга эга. Масалан, “Ғужбоғ”лик Қудратбоёв Дилмуродов қишлоқ ҳудудига бир пайтлар ўрнатилган Хотира монументини тиклаш таклифи билан келди. Эътиборсизлик туфайли вақт ўтиши билан мазкур ёдгорлик кўримсиз ҳолатга келиб қолган экан. “Бир пайтлар элу юрт

учун, Ватан учун жонини фидо қилган аждоғлар хотирасига муносабат, эътибор шу бўлса, бугунги ёшлардан қандай ҳурмат қутасиз”, деганда отахон ҳақ эди. Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган бу манументни тиклаш чораталбирлари дарҳол белгиланди.

Фикримизча, шу кунларда аҳоли билан ишлайдиган барча корхона ва ташкилот раҳбарлари ўз фаолиятларига қайта танқидий назар солаётган бўлса, ажаб эмас. Шундай қилишлари керак ҳам. Чунки, кўпгина муаммолар муомала маданиятининг йўқлигидан келиб чиқётганига гувоҳ бўляймиз. Яъни қайсидир мансабдор кимдир вақтида қабул қилмаган, гапига қўлоқ солмаган ёки нописандлик билан муомалада бўлган. Бундай ҳолат аксарият ёш, тажрибасиз, элу юрт орасида камроқ юрадиган, ўзига бино қўйган раҳбар ҳодимлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Аҳоли шу боис ҳам эндиликда Халқ қабулхоналарида қанчаот топмоқдалар. Биргина мисол, Қабулхонага “Янгиобод” МФИда яшовчи фуқаро Р.Нуриллаев ўзи истиқомат қилаётган кўчага кирувчи йўлни очиб беришни сўраган. Туман ҳокимлиги вакиллари мурожаатни жойида бориб ўрганганида фуқаролар — О.Холқов, Ж.Ҷўкимов, С.Сапарбоёв, Ш.Шодиевлар Қонимех канал хўшоб минтақасидаги ер майдонидан вақтинчалик фойдаланиб турганини аниқланган. Масала жойида ҳал этилган. Мазкур майдондан йўлнинг чегаралари белгилан берилган.

Ўз мурожаатлари қаноатлантирилган одамнинг мамнуният балқиб турган қиёфасини кўргангизда янада фаолроқ ишлагини келди. Халқнинг раҳматларини ўз қўлоғингиз билан эшитсангиз эди. Унлаб шундай мисолларни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий шаҳридаги Халқ қабулхонасида бўлганимизда бу ерда ҳам фуқароларнинг гавжумлигига гувоҳ бўлдик. Демак, жамиятда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўп. Навоий шаҳар, Навоий-4 даҳаси 601-4 хонадонда яшовчи Муродулло Жияновнинг қувончига шерик бўляймиз. У ўз миннатдорлигини қуйидагича ифода этган: “Мен 14 апрель кўни Навоий шаҳар “Саноатқурилишбанк”ига мурожаат қилдим. Мутасаддилар мурожаатимни эшитмай қўлоқ муомалада бўлишди. Навоий шаҳридаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилганимда менинг иш-тироқимда банк ҳодимлари билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳуқуқларим тиклаб берилди. Беҳад миннатдорлигимни билдираман”.

Навоий шаҳар, Қурилиш кўчаси, 5-15 хонадонда яшовчи фуқаро Аббос Мелиқуловнинг миннатдорлик хатини ўқиб, ўзимиз ҳам беҳад хурсанд бўлдик. “Мудлатли ҳарбий хизматдан келганимдан кейин мени ишга қабул қилишмаганди. Халқ қабулхонасига мурожаат қилганимдан сўнг, ишмизни қайта тиклашга амалий ёрдам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудирини Нормурод Сафаров қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунос. Шу боис ҳам у кишининг аҳоли билан ишлаш тажрибаси катталлиги иш тутумида кўриниб турибди.

— Энг муҳими халқимизнинг биздан рози бўлиши, — дейди у мамнуният билан, — Шунча ишлаганим бир бўлди-ю, бу ердаги фаолиятим бир бўлди. Биз учун энг муҳими, мурожаат қилиб келувчиларнинг юзида табассум балқиди. Чунки, ишингдан қўнгли тўлган одамгина дилдан қувонади. Одамларнинг қорига яраш лаззатлироқ экан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонасида соат 09:30 да 32-рақам билан рўйхатдан ўтдик. Ҳамроҳим, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раиси Баҳриддин Садридинов қайд рўйхатига қараб: “Э-ҳей, ҳозирдан шунча одам мурожаат қилган бўлса, кун бўйи юзлан ошим кетаркан-да”, — деди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қабулхона ҳодимларининг қўли-қўлига тегмайди. Шундай пайтда уларга халақит бермаслик учун бир четда иш зайлини кузатамиз. Ҳар бир фуқаро мурожаат мавзусига қараб мутахассислар билан учрашяпти. Бир муддат ўтган, биз киришимиз кутилаётган эшик қаршисига чакқонига йигит пайдо бўлиб, қабулхона мутасаддиси:

— “Агробанк”ка оид мурожаатларнинг ҳаммасини кўриб чиқдик. Саволлар бўлмаса, бизга рухсатми?” — деди.

Қабулхона масъули унинг ёнида турган бир гуруҳ мурожаатчиларга савол оҳангиде қарали:

— Жавоблар қониқарлими? Улар очик чехра билан бош иргаб тасдиқлашди:

— Келишиб олдик, раҳмат! Фурсатни қўлдан бермай ўзимизни таништирдик. Мақсадга кўчдик. У: “Бир дақиқа”, — деди-да, бошқа мурожаатчиларни банк ҳодимига рўпара қилди. “Бўлар ҳам сизга.” Улар махсус ажратилган хоналарга бошлашиб кетишди.

— Қабул кунлари йўналишига қараб режалаштирилган. Молиячилар, солиқчилар, суд-ҳуқуқ идоралари ҳодимлари, электр, газ таъминоти мутасаддилари деярли ҳар кун ишни шу ердан бошлашади. Энг камида соҳа раҳбарининг ўринбосари фуқароларни қабул қилади, дейди, ишни моҳирлик билан мувофиқлаштириб турган қабулхона масъули Жамшид Назарбоёв бизни қабулхона мудирини Раҳмат Маматов ҳузурига бошлаб кираркан.

Мудир 2017 йил 6 майга қадар аҳолидан вилоят бўйича 8684 та мурожаат тушгани, иш кўламининг бориши ҳақида тушунча берди.

Англашимизча, айрим одамлар битта мавзу юзасидан бира тўла барча қабулхоналарга эъза мурожаат қилаётган ҳолатлар ҳам учраб тураркан.

— Бу борада анча тажриба орттирилди, тегишли йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди, — дейди Р.Маматов.

Қўлимиздаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан ташкил этилган ҳисобот варағида қайт этилишича, 6 майга қадар аҳоли мурожаатларининг 4803 таси ҳудуддаги ташкилотларга тегишли бўлгани учун жўнатилган. Шундай масалалар ҳам борки, улар кўриб чиқиш учун юқори ташкилотларга юборилди. 3486 таси ҳал этиш учун вилоятда қўрилган. 1455 та мурожаат қаноатлантирилган. 5947 фуқарога қўтарилган мавзу юзасидан тушунтириш берилган.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, барча қабулхоналар ягона электрон тармоққа боғланган. Кўрсаткичларини pm.gov.uz сайти орқали ҳам таҳлил этиш мумкин. Иш жараёни яққол кўриниб туради. Бу эса, барча корхона ва ташкилотлар фаолияти ҳақида аниқ ҳулоса чиқариш имконини беради.

— Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши фаолиятимиз кўламини янада кенгайтирибгина қолмай, масъулиятимизни ўн чандон оширди, — дейди Навоий вилоят ҳокими Қобилжон Турсунов. — Барча иш жараёни қафлагилдай кўриниб туради. Энг муҳими олдимида қандай долзарб муаммолар борлигини ўз вақтида били олаёймиз. Бу умумий тараққиётимизга катта воқеадир.

Шу нуқтада мақоламизга ҳулоса яса-сак ҳам бўларди. Аммо бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар талайгина эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Биламизки, Халқ қабулхоналари фаолият бошлаганида ҳали кўп бўлгани йўқ. Айни пайтда жадал тақомиллашув жараёни амалга оширилмоқда. Қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Гап шундаки, барча масалаларнинг моҳияти бариб инсон омилига бориб тақалади. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш нақарар зарурлигини барчамиз англаб турибмиз. Бу борада тўпланган тажрибаларни ишга солиш керакдир, назаримизда. Дейлик, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида халқимизнинг маънавиятини юксалтиришга, мустақиллигини моҳиятини чуқур англашга қаратилган маънавий тарғиботга катта эътибор қаратилган. Тажриба олишлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намоёндалари халқ ичига юриш қилди. Суҳбатлар, фикр ва мулоҳазалар алмашилди. Бу ҳайрли иш ҳозир ҳам давом этмоқда.

Тақлиф шундан иборатки, эндиликда ҳуқуқ соҳасида тажрибаси катта мутахассислар, раҳбарларга суея қотган, эл-юрт эътиборидаги фахрийларимиз, маҳалла оқсоқоллари фуқаролар билан учрашувлар ташкил этса, ОАВда инсонини ҳақ-ҳуқуқлари, фуқаролик бурчи ҳақида туркум кўрсатувлар, эшитишлар, мақола-лар тайёрлаб, оммага ҳавола этилса, нур устига нур бўлиб қўшиларди. Чунки, айрим фуқароларимиз баъзан оила давраида, эр-хотиннинг ўзи ҳал этса бўладиган масалаларда ўзгалар қўмағига муҳтож бўлаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Балки бу борада юзга келган муаммолар фуқаролик бурчи, раҳбарлик масъулияти, инфо, визоион туйғуларини шакллантириш борасида болалиқдан, таълим ва тарбия муассасалари билан чуқурроқ шугулланиш вақти келганидан дарак бераётгандир.

Ўқтам МИРЗАЁРОВ

►ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунда бутун дунёда пластик карточкалар орқали тўлов тизими кенг тарқалган. Улар орқали пластик карточкалар бўйича тўловлар қабул қилувчи электрон терминаллар билан жиҳозланган исталган савдо пунктида тўловни амалга ошириш мумкин. Пластик карталарнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд. Жумладан, ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг тез ва аниқлиги, маблағларни жамғаришнинг қулайлиги ва хавфсизлиги каби-лар. Пластик карточкаларнинг нақд пулларга нисбатан яна бир қўшимча афзаллиги шундан иборатки, улардаги пулларни “йўқотиб қўймайсиз”.

Ҳамён учун ҳам, харид учун ҳам қулай



Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда пул айланиши тизимида, шу билан бирга тўлов жараёнидаги муносабатларни ташкил қилиш ва тартибга солиш соҳасида катта муаммоларга дуч келинган. Шу даврда Марказий банк томонидан пухта ишлаб чиқилган монетар сиёсат ва у томондан қўлланган монетар инструментлар объектив сабабларга кўра қўтилган натижани бериши қийин эди. Бу биринчи навбатда, пул айланиш тизими ҳали яхши йўлга қўйилмагани, жумладан, чакана ҳисоб-китоб жараё-ларининг олдий усуллар асосида олиб борилиши ушбу даражадаги пул айланишига устидан мониторинг олиб бориш имкония-ти жуда паст даражада эканлигидан далolat берар эди. Бу эса банкдан ташка-ри пул айланишининг юзга келишига ва инфля-циянинг юқори даражасига сабаб бўлган.

Мамлакатимизда нақд пул маблағларини ва банкдан ташкари пул айланишини қисқартириш, пул муомаласини юқори савияда ташкил этиш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозит-ларига жалб этиш ҳамда халқаро талабларга мос равишда банк хизматларини аҳоли, корхона ва ташки-лотларга тақдим этиш мақсадида банк пластик карточалари республика амалиётига киритилди.

Республикамизда илк пластик карталар Вази-рлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 майдаги “VISA дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқариш жаддалаштириш чора-талбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ТИФ Миллий банки томонидан муомалага чиқарила бош-ланган. Даставвал, ТИФ Миллий банки ва Аска банклари ўртасида ягона пластик карталар тизими яратилди.

1996 йилнинг охирида Банктар ассоциацияси томонидан пластик карта-ларнинг миллий тизими лойиҳасини жорий этиш Австриянинг тўлов тизим-ларини микропроцессорли пластик карталар асосида яратиш ва жорий этиш билан шугулланувчи “BGS Smartcard Systems AG” халқаро компаниясининг DUET тўлов тизими асосида ташкил этила бошлади.

Бугунги кунда банк пластик карталари бозори-нинг ривожланиш тенден-циясини таҳлил қилиш натижалари шунга кўрсат-моқдаки, давлат томонидан қабул қилинган бир қатор норматив ҳужжатлар ушбу тўлов воситасининг сонини, унинг ёрдамида тўлов

айланмасининг миқдори ва ҳажмининг ошиши ҳамда карталар тўлов тизимлари-нинг инфратузилмасининг ривожланишига муноса-бат яратиб бера олди. Хусусан, Вази-рлар Маҳка-масининг 2014 йил 12 февралдаги “Банк пластик карталари асосида нақдсиз ҳисоб-китоблар олиб бориш тизимини янада ривожлан-тириш ва уйғунлаштириш, халқаро тўлов тизими стандартлари, қоидалари ва жараёнлари асосида про-грессив ютуқларни табиқ этиш чора-талбирлари тўғрисида”ги қарори рес-публикада пластик карталар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича босқич-босқич чора-талбирларни амалга оши-ришга юридик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Банк пластик карточка-лари муомаласини кенгай-тириш ва тақомиллашти-риш бўйича амалга оширил-ган чора-талбирлар натижа-сида 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг умумий сони 2016 йилнинг бошига нисбатан 3,2 милли-онга ортиб, 19,5 миллион донадан ошди.

Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектла-рида ўрнатилган тўлов терминаллари сони йил бошига нисбатан қарийб 26 мингга ортиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, 209 минг донадан ошди.

Бугунги кунга келиб, олди-сотди жараёнларида пластик карталардан фойдаланиш оддий ҳолга айланиб қолди. Пластик карталарнинг амал қилиш доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Турли дўконлар, супермаркетлар, авиа ва темир йўл кассалари, тамадхоналар қаби-лар шулар жумласидандир. Бироқ баъзи савдо мажмуа-ларида тўлов терминаллари вақтинча ишламаётгани баҳона қилинаётган ҳоллар-га ҳам тез-тез дуч келиб турибди. Шунингдек, деҳқон бозорлари пластик карталар учун ҳалигача забт этилмаган чўққи бўлиб турибди. Мазкур ҳолатлар эса истеъмолчига бир қанча ноқулайликлар туғдириши шубҳасиз. Ахир маблағнинг асосий қисми пластик картада бўлганидан кейин, нақд пулни тежаб сарфлай-сан киши. Бундан ташқари, пластик картага ишониб, ёнида кам миқдорда нақд пул олиб юрадиган кишилар ҳам қўп-лаб топилди. Шундай экан, юқорида қайд этилган муаммоларнинг ҳал этилиши бугуннинг устувор вазифаларидан бири дейиш ўринли бўлади.

Ойбек АБДИРАЖАБОВ,
Тошкент давлат
иқтисодий университети
талабаси

Эл орасида

ТАРҒИБОТ МАНЗИЛЛАРИ

Самарқанд вилоятида "Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураамиз!" шиори остида бўлиб ўтган тарғибот тадбирларида ёзувчилар, шоирлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандаларидан иборат олтимшидан ортиқ тарғиботчилар иштирок этди.

Тарғибот гуруҳи таркибида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир — "Дустлик" ордени соҳиби Турсун Али, "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири Воҳид Лукмон, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Нодир Жонуз, шоир Ориф Тўхташ, Ўзбекистон халқ артистлари — Гавҳар Зокирова, Дилбар Абдуллазизова, Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Равшан Комиллов, Дони Бобонова, Шухрат Воҳидов, Сардор Раҳимхон, "Нихол" мукофоти совриндорлари — Лола Йўлдошева, Фирдавс Паздетдинов, Ёлдор Мирзақонов ва бошқа ижодкорлар Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртида, вилоятнинг энг чекка қишлоқларидаги мактаб, касб-ҳунар коллежлари ҳамда дам олиш масканлари, ҳарбий қисмларда жами 128 та жойда аҳолининг барча ёшдаги кенг қатламлари билан учралиб, самимий суҳбатлар, адабий кечалар, китобхонлик тадбирлари ўтказишди.

Тарғибот тадбирлари давомида маънавий тарғиботчилари Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураамиз!" номли китобида Самарқанд вилояти, бу юртининг мард ва олижаноб халқи ҳақида айтган гапларидан ибратли мисоллар келтиришди: "Бу табаррук дийр дунё илм-фани ва маданияти ривожига беҳисоб ўрин тутадиган Имом Бухорий, Имом Моъириддин, Қозизода Румий, Али Қўшиқ, Хўжа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абулайс Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий каби кўпқаб аъён-аълолар, шоир ва ақлоқлар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилган барчамизга гурур бағишлайди".

Самарқанд вилояти Маданият бошқармаси бошлигининг ўринбосари Лутфулла Нусратиллаев ҳамроҳлигида захматкаш бободехқону миришкор борбонлар ва чорвадорлар юрти бўлиши Нарпай туманидаги 33-мактабда бўлган чоғимизда бир вақтлар мазкур илм даргоҳида таниқли журналист, устоз Маҳмуд Саъдий таҳсил олганини эшитиб, фахрлилик кетди. Буни қарангки, турли шеър ва ривоятлар айтиб, тадбирни олиб бораётган Алишержон исмли йигит устознинг фарзандлари бўлиб, шу мактабда дарс

шиб чиқишига ишончимиз комил бўлди.

Мазкур мактабнинг Абдулла Нейматуллаев, Нилуфар Муҳитдинова ва Шаҳзод Яхёев каби ўқувчилари эса вилоятда ўтказилган фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритишди.

Ургут туманидаги 33-сонли мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тадбирда эса мактаб ўқувчиси Билал Хуррамовнинг доирада миллий куйларини маҳорат билан ижро эттиши, бу ўқув даргоҳи устоз-мураббийлари ёшларга санъат сирларини пухта ўргатиб келаятганлигини кўрсатди.

Пайариқ туманидаги аҳоли дам олиш масканига янги қурилган амфитеатрда ўтказилган тадбирнинг туман ҳокими Абдумўмин Жўраев қаламига мансуб "Хур Ватан" шеърига басталанган кўшиқ билан бошланиши, тумандаги табибейт муассасаларида бирида ишловчи Сўхроб Ҳасанов номли ёшгина йигитнинг кўриб турган воқеликни шу лаҳзанинг ўзидаёқ бахшиёна йўсинида шеърга солишга уринишлари бу юртининг ҳокимида тортб олдий ҳодимига шеърятга, адабиётга чексиз меҳр кўйганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат Президентимиз "Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураамиз!" номли китобида таъкидлаганидек: "Бугунги кунда фаол ижод қилаётган Сайди Умиров, Маматқул Ҳазратқул, Хуршид Даврон, Нусрат Раҳмат, Фармон Тошев, Ўткир Раҳматов, Хосият Бобомуродова, Азим Суюн, Йўлдош Ёшбек каби таниқли ижодкорлар, Нодир Жонуз, Ориф Тўхташ, Воҳид Лукмон сингари истеъдодли ёшлар ҳам Самарқанд фарзандлари эканини алоҳида таъкидлаш лозим".

Ургут туманидаги истироҳат боғидаги амфитеатрда ўтказилган тадбирда таниқли эстрада хонандалари Сардор Раҳимхон, Машҳуб Раимжонов ва Мустафо Ҳусан Ҳасимовларнинг чиқишлари томошабинларда катта та-

ассурот уйғотди. Улар хонандаларнинг истиқлол ва ватанни мадҳ этувчи кўшиқларига жўр бўлишиб, биргаликда куйлашди.

Самарқанд шаҳридаги 10-мехрибонлик уйида эса давлатимиз раҳбарияти томонидан кичкин-тойларга кўрсатилаётган катта ғамхўрликнинг гувоҳи бўлди. Замонавий ўқув воситалари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналарда тарбияланувчилар зўр иштиёқ билан таълим олаётганлигини, кутубхонадан унумли фойдаланаётганлигини эътироф этишди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Самарқанд шаҳридаги "Ватанпарвар" маҳалласида жойлашган ҳарбий қисм маданият марказида ўтказилган учрашув ҳам қизиқарли бўлди. Нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари ҳам бўлган ушбу тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоирлар Турсун Али ва Ориф Тўхташнинг Ватан ва тинчлик ҳақидаги шеърларини эшитиб, завқланишди.

Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида ўтказилган гала-концертда "Нихол" мукофоти совриндори, таниқли хонанда Лола Йўлдошеванинг "Тошкент — Самарқанд" номли машҳур кўшиғига ҳамда самарқандлик истеъдодли хонанда Озода Аҳмедованинг гўзал диёримиз Ўзбекистонни мадҳ этувчи кўшиғига деярли барча тадбир иштирокчилари жўр бўлган кўнглига ўзгача завқу шукўҳ бахш этди.

Тарғибот тадбирларининг сўнгги кунда ижодкорлар очик осмон остидаги музей — Самарқанднинг "Тўри Амир", "Шоҳи Зинда" каби муқаддас қадим-жолари ва мамлакатимизнинг Биринчи Президент Ислам Абдуғаниевич Каримов мангу ором топан — "Ҳазрати Хизр" қабристонини зиёрат қилишди. Бу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан маҳобатли макбара қурилатганлигининг гувоҳи бўлди ва буюк инсонлар мангуликка дахлдор эканигини яна бир бор ҳис этдик. Туйғуларимиз шеър бўлиб тўкилди.

О. Юртбошим, сизни соғиниб бу кун — Самарқанд шаҳрига қўйдим қадамлар. Ва кўрдимки, ҳануз маъно ва дилхун, Қабринеиз зиёрат айлар одамлар...

О, улуг Юртбошим, улуг Юртбошим, Бу кун пойнишда эгилган бошим. Бугунги осуда, тинч кунлар учун — Сиздан миннатдордир ҳар бир юртдошим.

Буюклар қўйша ўхшайди асли, Сиз ҳам Шарқдан порлаб чиққан қўёшсиз. Дунёда яшаркан то ўзбек насли, Сиз мангу тириксиз, бизга йўлдошсиз.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

60-йилларга тўғри келган болалик давримни хотирласам, ўнг қўлимни чаккамга тираганча: "Катта бўлсам "Зангори кема" капитани бўламан", деб юрган дамларим беихтиёр ёдимга тушади. Мен-ку, "Зангори кема"ни денгизда сузадиган ҳақиқий кема деб тасаввур қилиб, сўзларимнинг маъносини англаб-англамай гапириб юргандирман. Лекин ўсмир ёшидаги опаларим, уларга тенгдош қизлар орасида мактабни битирибқо олиб ўқув юртига кириб ўқишни эмас, "Турсуночилар ҳаракати"га қўшилишни ният қилганлар, ўзбек хотин-қизлари орасида биринчилардан бўлиб пахта териш машинасини бошқарган, юртимизда афсонавий қаҳрамонга айланиб улғурган чинозлик Турсуной Охуновадек моҳир механизатор бўлишни орзулаганлар кўпчилик эди.

Телевидение, радио орқали дам-бадам эфирга узатиладиган "Турсуной бўлай дераман" дея янграйдиган кўшиқларда ҳам заррача сохталик йўқ эди. Чунки йилнинг тўрт фаслида у эсланмаган, у ибрат қилиб кўрсатилмаган куннинг ўзи йўқ эди.

14 ёшиданок далада меҳнат қилиб, 17 ёшида механизатор курсини тамомлаган Турсуной илк бор пахта териш машинасининг рулига ўтирганида атиргулнинг навласидек нозикчана киз эди. Дастлабки йилларда у бир мав-

сумда эл қатори 20-30 тонналад пахта терган бўлса, орадан тўрт йил ўтиб, яъни 1959 йилда бир мавсумда 210 тонна терди. Бу хушхабар нафақат Ўзбекистонда, балки соёқ иттифоқда овоза бўлди. Бу залворли рақам — ақл бовар қилмайдиган мислсиз кўрсаткич ортда қанчадан-қанча меҳнатли, захматли кунлар, заҳарли кимёвий дорилар сепилган далада кечган уйқусиз тунлар, бесаранжомлик, беҳаловатлик ётгани Турсуной опанинг ўзига-ю, унга ҳар ишда қўшқанот бўлган умр йўлдоши —

Султон отагагина аён эди. "Оқ олтин"дан улкан хирмон яратган "олтин қўл"ли механизатор соёқ иттифоқ раҳнамолари томонидан кўша-кўша орден ва медаллар билан тақдирланди, юксак унвонларга мушарраф бўлди. Шогирдлари, тенгдошлари қалбида унга ҳавас уйғонди, издошлари сафи кенгайди. Сочини чамбарак қилиб қоржомга кийган қизлар сонин бутун боши бир армия саногига тенглашиб қолди, десак муболаға бўлмайдик. Соёқ тузум мафкурчиларининг асл мақсади ҳам шу эди. Улар-

нинг ўша кунларда кўчаларга, уйлари, дала шийпонларининг пештоқларига илиб қўйган: "Қизлар, пахта териш машинаси штурвалини қўлга олинг!" деган чақирқиқларига нафақат ўзбек, балки минглаб озарбойжон, туркман, қирғиз, тоjik қизлари ҳам "Лаббай" деб жавоб беришди. Она юртимга, халқимга хизмат қилмаган, деган туйғу билан ўзини аямий меҳнат жабаҳисига кирган меҳнатсевар ўзбек қизлари ҳукуматнинг бундай бандлабровоз чақирқиқларини, "сийлов"лари ортда шахсий манфаатдорлик

яширинганини қаердан ҳам билишини? Уларга ҳар терим фаслида юклатилаётган мажбурият тобора ортиб борар, турмуш қуриб-қурмай "оила" аталмиш муқаддас даргоҳдан узилган келинчақнинг такрорланмас назокатию нафосатини, оналик фарогатини меҳнатсеварлик машаққати, даладанинг заҳарли чангига ем қилган қиз-жувонлар бу мажбуриятларга қараб ҳам бўйи, ҳам энгига чўзилар эди.

Тонналаб пахта териш баробарида илғор ғоялари, асосли фикрлари, ўринли тақлиф ва ташаббуслари билан "Ўзбекистон" номли тўрт қаторли пахта териш машинасини янада такомиллаштирган, бу билан пахта йигим-терими мавсумини қисқартиришга, пахтакорларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг оғир, машаққатли қўл терими меҳнатини енгиллаштиришга ҳисса қўшган, далада пахта топириш режасини бажаришдек олий мақсад йўлида ўзлигини, саломатлигини унутган Турсуной Охунова жуда эрта — 47 ёшида



АХВОЛ

Бугун халқ манфаати олий қадрият сифатида улуғланаётган даврда яшаймиз. Демакки, элнинг оғирини енгил қилиш, жойлардаги муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш ҳар бир соҳа масъулларига тааллуқли. Жумладан, вилоятлардаги ички йўлларни таъмирлаш, ўта носозларини қайта қуриш ҳам муҳим масала. Шу маънода биз бир неча йиллардан буён ечимини кутиб турган муаммога эътибор қаратмоқчимиз.

Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманида жойлашган Мевазор маҳалласида М.Отажонов фуқаролар йиғинига борадиган ички йўлнинг манзараси расомларнинг энг гўзал асарларига ўхшайди. Кета-кетгунча кўчанинг икки томонидида девкомат дарахлари ям-яшил бўлиб кўзизгини қамаштиради. Айниқса, майнинг илиқ кунларида табиатнинг гўзаллигидан дил яйрайди. Боз устига, шу ҳудуддан Чирчиқ дарёси оқиб ўтадики, қирғоқда балиқ тутиб ўтирганлар, оилавий дам олаётганларга кўзизгини тушиши мумкин. Қисқаси, шаҳарнинг тирбандлигидан юрак сиқилганда пойтахтдан атиги 30 километр узоқликдаги бу кенгликлардан баҳри дилингни очилди. Сокин дарёга тикилиб, соя-салқинда дам олишга нима етсин?! Табиийки, бундай таърифлардан сўнг одамда бу манзарани ўз кўзи билан кўришга бир иштиёқ туғилади. Аммо ҳар тўққисда бир айб деганларидек, бу томонларга ўз автоуловинида пойтахтнинг рози бўлишмайди. У томонларга фақатгина аллақачонлар урфдан қолган эски машиналар ёки йўналиш бўйича ҳаракатланувчи дамаслар ноилж боради.

Сабоби — бу йўлдан кўра дарвешнинг чопони бутунроқ. Йўл шу даражада илматлиқ, ўнқир-чўнқир бўлиб кетганки, маҳаллий аҳолининг ҳар йили кум тўлдирishi ёки тупроқ билан ямашлари ғирт бефойда. Бу қадим ва кўна йўлнинг умри аллақачон тугаб бўлган. Йгона илож уни бутунлай қайта қуриш. Аммо соҳа мутахассисларининг парвойи фалакка ўхшайди. Сабоби худди шу йўл муаммоси бўйича саволимизга 2013 йил Тошкент вилояти ҳокимлигида ўтказилган мабуот анжуманида соҳа мутахассисларидан жавоб сўраган эдик. Улар бу вазифа режада борлиги, 2015 йил дастурига киритилгани, йўл бу-

тунлай қайта таъмирланишини айтишган эди. Биз солда журналистлар дастурга ишониб, дўппимизни осмонга отиб юргандик. Аммо яқинда шу ҳудудда яшовчи Зулайхо Азизованинг шикоятини эшитиб, ўшанда бизни чуқ тушуришганига амин бўлдик.

Бу йўл 2015 йилда ҳам, ундан кейин ҳам таъмирлангани йўқ. Тўғри, орада йўл қурувчилар келиб, ямоқларга ўла-жўла қилиб, ҳўжақўрсинга асфальт тўлдиршган эди. Аммо бир марта ёмғир ёққанидан кейин яна эски тос, эски ҳаммом бўлиб қолди. — дейди суҳбатдошимиз. — Айниқса, қариялар, беморлар ва ҳомилалор аёлларга бу йўлдан юриш азоб. Аммо туман марказига, касалхона ёки бозорларга олиб борувчи ягона йўлимиз шу.

Мақолани тайёрлаш жараёнида ўша йўлни ўз кўзимиз билан кўриб, суратга олиш учун манзилга бордик. Йўл-йўлакай вужудимиздаги 205 та сўяқ қасирлаб, тўқсон икки томиримиз қалтираб борарканмиз, ёнимизда ўтирган холакинг тўрвасидаги сабзавотлар сочилиб кетди. Хола ҳай-ҳайлаб картошка бу йўл қимматлиги, фалон пулга олганию, унинг сочилиб кетганидан жигийбон бўлиб, йўлни қарғади. Орқа ўриндиқдаги олтимиз ёшлардаги амаки "Бу йўлга картошка дош беролмайдию, одам-зод чидайди-да" деди ҳазиломуз. Дарҳақиқат, тоғли ҳудудларнинг кўчалари бундан текисроқ бўлса керак.


Хуллас, ахвол суратлардагидек. Ҳамон ўша-ўша...

Йўлнинг сал бутун жойларини ёдлаб олиб, тўсиқларни айланиб сузаётган ба-ликдай машинани ҳаракатлантираётган маҳаллий ҳайдовчилар беш дақиқага тўхтаб туришини, суратга олмақчи эканимизни айтганимизда, у истеҳзоли қилди: "Эй, опам, бу йўлларнинг давоси йўқ. Маҳалламиз зиёлилари кўп ҳаракат қилишди. Тегишли жойларга ҳам ёзишди. Лекин кўриб турганингиздек, бефойда!"

Хўш, сиз нима дейсиз? Журналистнинг мақоласи бефойдами? Соҳа мутахассисларидан жўяли жавоб ва амалий ҳаракат кутамиз.

Ситора ТОҶИДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири

Шундай аёл бор эди...



оламдан ўтди. Пахта дала-ларига сепилган кимёвий дорилардан заҳарланган оқибатида ўпка касаллиги-га чалинган Турсуной Охуновани даволаган шифокорлардан бири шундай хотирлайди: "Оғир касал-лик туфайли кўп азоб-укубатларга дучор бўлган бу аёл хаста, синиқ овоз-да, менга ҳеч қандай ун-вонлар ҳам, мукофотлар ҳам керак эмас, саломат-лигим тикланса қанийди, деганди".

Опанинг армони ўша даврда яшаган миллатимиз армони бўлиб қолди. Инсон умри унинг яша-ган йиллари билан эмас, қилган эзгу амаллари билан ўлчанади. Ўша оғир ва синовли даврда зиммасига пахта етиштиришдек му-раккаб вазифа юклатилган халқимизнинг елкасидаги юкни, шунингдек, нави-нол, ҳомилалор, эмизлик-теримчи қиз-жувонлар-нинг машаққатли меҳна-тининг енгиллаштиришга қўшган ҳиссаси Турсуной Охунованинг ибратли ум-рини икки ҳисса узайтира-ди, халқимизнинг эҳтиро-мига, эъзозига сазовор

қилади. Ана шу эзгу ўй, эзгу фикр аёлининг вафо-тидан кейин қайта оила қурмай, умрини беш на-фар фарзандига бағишла-ган, уларни халқимиз хиз-матига камарбаста қилган, ҳозир ҳам фарзандлар, на-бираларнинг дуоғўйи бў-либ келаятган Султон ота-га, турли жабҳаларда меҳ-нат қилиб, юрт равнақи, Ватан тараққиётига муно-сиб ҳисса қўшиб келаят-ган Муҳаббат, Марҳамат, Қаҳрамон, Жаҳонгир ва Хилола Шерматовалар-нинг армонли кўнглига тасалли бўлса, ажабмас.

Кечаги кунини, тарихи-ни унутмаслик, ўтганлар-ни ёд этиш, хотирасига ҳурмат бажо келтириш халқимизга хос қадрият. Тошкент вилоятининг Чиноз туманида Турсуной Охунованинг 80 йиллиги-га бағишланб ўтказилган хотира кечасида халқи-мизнинг давр қурбонига айлانган асл фарзандига кўрсатган эъзозу эҳтиро-мига гувоҳ бўлдик. Маж-бурият тақозоси билан бўлса-да, ўз даврида Тур-суной Охунованинг кўр-сатган жонбозлиги, минг-

лаб қизлар қалбида меҳ-натга, касбга меҳр уйғота олганлиги ҳақида ўйлар эканмиз, бир инсон, бир аёл имкониятидаги қудрат-ни ҳис этамиз. Кўнглимиз-да: "Агар шу қудрат муста-бадид тузум пешволари фаровонлиги, шаъни учун эмас, ўз юртимиз, ўз хал-қимиз учун сарф этилган бўлса, қани эди..." деган аламли армон уйғонади. Лекин кўнглимизга бир таскин ёруелик сочди: биз истиқлол кунларига, ўз эр-кимиз, ўз инон-ихтиёри-мизга эга дориламон кун-ларга етдик. Шуккурки, бу-гун Турсуной опадек эл-севар инсонлар меҳнати самараси юртимиз равна-қига хизмат қилмоқда. Ўсмир ёшдан "пўлат от" миниб, сўнгги нафасида бир ютум мусавфо ҳавога интиқ бўлган Турсуной опа, Турсуной опалар ҳаққи ўтганларни хотир-лаб, бугунга фидойи бўлиб яшаб ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шу ҳаётий ҳақиқатни Чинозда ўтган хотира ке-часининг асосий хулоса-ларидан бири деб билим.

Феруза ЖАЛИЛОВА

Ўзбекистон — Хитой

▶ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Журналистлар ҳамкорлиги аввало, миллатларни бирлаштиради, дўстлаштиради, барча соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар яқинда Хитойда бўлиб қайтишди.

Ижодий сафаримиз давомида Хитой оммавий ахборот воситалари фаолияти билан танишиш асосий режалардан эди. Расмий маълумотларига кўра, 2013 йил охирида Хитойда 1915 газета чоп этилган. Улардан 400 таси партия нашрлари, 300 таси шахар ва туман газеталари, қолганлари эса тармоқ нашрларидир. Газеталар алади жиҳатидан Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Масалан, “Жимень жибао” газетаси 3,5 унинг “Янгиликлар иловаси” 3 миллион нусхада чоп этилади. Бир қанча газеталар тахририятлари алоқачон йирик холдинг компанияларга айлانган. “Чэнду кундалик газетаси”, “Чжэцзян кундалик газетаси”, “Гуанджо кундалик газетаси”, “Хэнан кундалик газетаси”, “Дагонг кундалик газетаси” каби нашрлар фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Улар катта даромад кўрадиган нашрлардир. Хитойда “Синхуа” ва “ChinaNews” каби қўдратли ахборот агентликлари мавжуд. Биргина “Синхуа” дунёнинг 201 мамлакатда ўз мухбирлик бўлишларида эга.

1994 йил апрель ойида Хитой оммавий ахборотлар тизимига интернет расман кириб келди. 2014 йил июнь ойида Хитойда 632 миллион киши интернет тармоғидан фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтган. Энг оммавий “Синхуа”, “people.com.cn”, “Sina.com” Xinhuanet.com” интернет сайтларида бир кеча-кундузда турли тилларда 10 мингта яқин ахборот тарқатилди.

Хитойда мамлакат медиа тизимлари ривожланиши учун катта шароит яратилмоқда. 2014 йил 14 августда “Аньань” ва замонавий медиа тармоқларини уйғунликда ривожлантириш тўғрисида”ги қарордан сўнг, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари тузилмалари янги босқичга кўтарила бошланди. Мамлакатнинг барча миллат ва элатлари тилидаги матбуот замонавий технологиялари билан таъминланди. Журналистлар тайёрлаш давлат дасури амалга оширила бошланди.

“Синхуа” ахборот агентлиги Хитой матбуотининг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бизни бу ерда самимий қўлиб олишди. Тахририятлар, мултимедиа чеки, тарих музейи, дам олиш акфа-боғларига танишдик. Бу ахборот агентлигида 15 мингдан зиёд ахборот йиғувчи журналист ва мухбир ишлар экан. Уларнинг 1500 нафари хориждаги бўлимларда фаолият олиб боради. Агентлик юз фоиз рақамли технологияга ўтган.

— Бизнинг электрон сайтимизда бир кунда юз миллиондан

зиёд ўқувчи киради, — дейди агентлик халқаро ахборот бўлими бошлиғи Тянь Ян. — Бундан ташқари Twitter ва Facebookда 14 миллион ўқувчимиз бор.

“Синхуа” ахборот агентлиги ўз интернет сайтидан ташқари яна бир интернет ахборот тарқатиш сайтини яратди. У “Xinhuanet.com” деб аталади. Бу интернет сайти 1997 йилда очилган ва 20 йил дунёнинг барча мамлакатларида ўқилган бўлди. У ўз ахборотини энг оммавий ўн тилда тарқатади.

“Xinhuanet.com” интернет сайти ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланмоқда. Унинг бош таҳлил экранда сайт тарқатётган ахборотни дунёнинг қайси мамлакатда қанча ўқувчи ўқитган экан сайтидаги ахборот кўчириб, эълон қилинаётгани ҳақидаги маълумот кўриниб туради.

Сайт тахририяти бир неча катта-катта хоналарга жойлашган. Ҳамма бир-бирини кўриб туради. Лекин ҳар бир ижодий ходимга гўя қўлай иш шароити яратилган: энг қувватли компьютер, ягона локал тармоқ, ҳаракатланувчи кресло. Ҳар бир ходим ўрни атрофи ойна билан ўралган ярим айлана стол ва 9 квадрат метр жойдан иборат. Журналистлар қисқа вақт дам олиши учун бино томида сунъий боғ ҳам яратилган.

Бизга маълумотлар жойланган бош саҳифани кўрсатишди. Унда матн, фотосуратдан ташқари видеотасвирлар, ҳаракатдаги схема, диаграммалар ҳам бор эди.

— Воқелик ҳақида батафсил маълумот бериш учун дрон (учувчи видеокўришма)лардан фойдаланамиз. Бу қўрилма бошқарилади. Унинг ёрдамида ҳаводан туриб исталган ҳудудни тасвирга олиш мумкин. Бундай тасвирлар матнни тўлдиради, воқеа ҳақида батафсил маълумот беради. Агар воқеа ер ости шахтаси, сув остида рўй берган бўлса, компьютерлар орқали “тикловчи” анимация тасвир яратамиз. Бу усул ҳам ўқувчиларни кенгроқ жалб этишга хизмат қилади, — дейди “Xinhuanet.com” сайти бош директори Хиа Хиапэнг.

Бу интернет сайти тахририятида телестудия ҳам бор экан. Махшур кишилар билан суҳбатлар, муҳим воқеликка шарҳ шу ерда тасвирга олиниб, сайтга жойлаштирилар экан. “Xinhuanet.com” сайтида ахборот излаш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан 1700 ходим шуғулланади. Хитойнинг 31 провинциясида унинг бўлимлари бор. Бельгияда Европа бўлими очилган. Энди Америка, Африка ва Осиёда ҳам шундай бўлимларни очиб ҳаракати олиб борилаётган.

— Буюк Британиянинг “Те-



леграф”, “Қирғизистоннинг “Хабар” ахборот агентликлари билан ахборот алмасув шартномаларини тузганмиз. Ўзбекистоннинг Миллий ахборот агентлиги билан ҳам ҳамкорлик қилиш ниятидамыз, — дейди Хиа Хиапэнг.

“Xinhuanet.com” сайти оммавийлиги ҳам, даромади ҳам кундан кун ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам у ўз акцияларини Шанхай биржасига қўйган.

Шеньчжендаги электрон оммавий ахборот воситаларини Shenzhen Media Group бирлаштирган бўлиб, унинг таркибиде 11 телеканал, 4 радиостанция ва киностудия фаолият олиб боради. Shenzhen Press Group медиа-холдинг компанияси эса 10 газета, 5 журнал ва 10 интернет сайти ҳамда нашриёт-матбаа уйига эга.

Хитойда ҳамкасбларимиз билан журналистиканинг бугунги муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳам фикрлашдик. Ҳар кун 24 саҳифада рангли чоп этиладиган “Шеньчжен иқтисодий газетаси” тахририяти шахар марказидаги энг муҳташам осмон-пар бинолардан бирида жойлашган. Бу газета Шеньчжен иқтисодий ривожланиш дасурини амалга оширишга катта ҳисса қўшганлиги эътироф этилди. Тахририят музейида унинг биринчи сони чоп этилган 1981 йил 6 июндан бугунги кунгача босиб ўтган йўли акс этган. Бу газетанинг нуфузи баландлигини шундан ҳам билса бўладики, музейда Хитойнинг биринчи раҳбарлари тахририятга таширф буюрганини акс эттирувчи фотоларлар ҳам кўрдик.

— Тахририятимизда 150 нафар ижодий ва техник ходим ишлайди. Уларнинг 100 нафари ахборот йиғувчи журналистлар, 30 нафари эса мухбирлардир, — дейди кундалик “Шеньчжен иқтисодий газетаси” Бош мухбири Чжоу Пинь. — Биз тобора кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар орқали Ўзбекистон ҳақида биламиз. Сизларнинг компаниямизга таширфингиз келгусида ўзаро ахборот ва тахрир аламушувлар ташкил этилишига эшик очса, ажаб эмас.

Хитойлик ҳамкасбларимиз Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий асослари ҳақида қўллаб саволлар беришди. — Ўзбекистон Марказий Осиё иқтисодиётида етакчи давлат сифатида ўрин тутди. У жуда тез суруятлар билан ривожланиб бораётгани эътиборлидир. Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат таширфи паитида ўтказилган музокараларини

катта қизиқиш билан кузатдик. Турли соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича истиқболли келишувлар бўлди. Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” форумида Президентингиз сўзлаган нутқни ўқувчиларимиз қизиқиш билан қўлиб олди, — дейди “Шеньчжен Daily” газетаси бош мухбири Дун Хайтао. — Буюк илақ йўлининг қайта тикланиши, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши муносабатимизни янада мустаҳкамлашга ишонамиз.

— Бугунги кунда газеталар тезкорликда интернетдан ортда қолди. Биз бугунги ахборотни газетхонга эртаси кунга етказамиз. Шу боис газеталар таъсир кучини сақлаб қолиш учун биз таҳлилий мақолалар ва кўнгилочар мавзуларга кўпроқ жой берамиз, — дейди Чжоу Пинь.

Шеньчженда яна бир ибратли тажрибани ўргандик. Газета ўз соф даромадининг бир қисmini ижтимоий лойиҳаларга йўналтирар экан. Масалан, шу йилнинг ўзида “Шеньчжен иқтисодий газетаси” кам таъминланган оилалар болаларига уйда дарс тайёрлашда шароит яратиб бериш учун меъбел ва компьютерлар билан таъминлаш, спорт иншоотлари қуриш, иқтидорли талабаларга мамлакат бўйлаб сайёҳат уюштириш каби лойиҳаларни амалга оширган.

Харбиндаги оммавий ахборот воситалари билан танишув ҳам қизиқарли ўтди. Бироз баҳ-мунозара ҳам бўлди. Аввало, маълумот учун айтиш керакки, бу шахар 1890 йилларда Шарқий Хитой темир йўли қурилиши даврида барпо этила бошланган. Бу ерда Россиядан қўллаб мутахассислар келиб ишлаган. Уша йилларда шахарда рус тилида қатор газета-журналлар чоп этилган. Уларнинг аксарияти кейинчалик ёпилган. Лекин “Партнер” журнали ҳамон нашр этилмоқда. Тахририятда бўлган учрашувда журнал бошқарув директори Фан Жуйхэ бизга унинг тарихи, тарқатилиш макони, ютуқ ва муаммолари ҳақида гапириб берди.

— “Партнер” асосан Хитойдаги русийзабон халқлар ва Россиялик обуначиларга мўлжалланган бўлиб, ҳар ойда 20-40 минг нусхада чоп этилади, — дейди Фан Жуйхэ. — Биз ноширликдан ташқари рус тили билимдорлари танловларини ҳам ўтказамиз, тил ўргатиш жамоатчилиги ўқув курсларини ҳам бор.

Харбин босма нашрлар корпорациясида унинг раҳбари Ху Минхиао билан суҳбатимиз бир

соатдан кўпроқ давом этди. Корпорация 6 та кундалик, 2 та ҳафталик газета ва 2 та ойлик журнал, интернет сайти ва нашриёт матбаа корхонасидан иборат. Хитойлик ҳамкасбларимиз интернет тўғрисида босма нашрлар алавлари қисқариб бораётгани натижасида соф даромад йилдан-йилга камаётганини яширишмади.

— Агар корпорациянинг 2014 йилги даромади 600 миллион юан (90 миллион доллар) бўлса, 2016 якунига келиб, у 200 миллион юанга (30 миллион долларга) тушиб қолди, — дейди Ху Минхиао. — Биз асосий эътиборни тиражни сақлаб қолишга қаратмоқдамиз. Ҳар бир газетанинг ўз мобил иловаси бор. Унда биз қисқа ахборот бера туриб, қизиқарли далиллар эълон қилинадиган жойда тўхтатамиз. Мобил илова ўқувчиси энди воқеликни тавсилоти ёки натижасини билиш учун газетани олиб ўқиши керак бўлади. Бу ҳам тахририят ички сиёсатининг бир йўналишидир.

У бу масалада Ўзбекистонда қандай тажрибалар борлиги билан қизиқди. Биз тезкор ахборот тарқатиш учун рақобат кучайиб бораётган бугунги шароитда газеталаримизда таҳлилий-танқидий мақолаларни кўпайтиришга ҳаракат қилинаётгани ҳақида гапирдик. Айниқса, миллий қадриятлар, маънавият билан боғлиқ мавзулар биз учун ўта муҳимлигини таъкидладик. Газеталаримизнинг сайтлари тўғрисида тушунча бердик.

— Ўзбекистон гўзал диёр эканини биламиз. Орузим бу юртини бир бор кўриш, балки сиз ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, хитойлик журналистларнинг Ўзбекистонга, Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз Хитойга кўпроқ келиш имконияти кенгайди, деб ўйлайман, — дейди Ху Минхиао.

Биз унинг фикрларини қўллаб-қувватладик. Бугун Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар янги юксак босқичга кўтарилмоқда. Ўзаро ишонч ва мустаҳкам дўстликка асосланган ҳамкорликни янада ривожлантириш, “халқ дипломатияси”ни кучайтиришда журналистлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Сафар ОСТОНОВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар.
Тошкент — Пекин — Шеньчжен — Харбин.

▶ 2-АУДИТОРИЯ

Мақола учун сўзлардан мохирона фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Ўз ўрнида қўлланилган жумлалар, ибора, афоризмлар билан муштарийлар қалбига йўл топиш осонроқ. Аммо қайсидир ташкилот, соҳа тўғрисида фикр юритар экансиз, мавзуга алоқадор турли рақамларга дуч келасиз. Уларни ўрганиб, таҳлил қилганда, мақола мохиятини очувчи қалитга айланади. Агар шунчаки келтириб ўтсангиз, материалнинг тушунарсиз, зерикарли маълумотлар тўпламидан фарқи қолмайди. Айниқса, журналистик текширувлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарҳлар ёзишда уларнинг аҳамияти катта.

Сўз — қурол, РАҚАМЛАР-ЧИ?!

Журналистик текширувларни ёзишда муаллифдан нафақат маҳорат, балки ўрганаётган соҳаси тўғрисида ҳам тушунчага эга бўлиш талаб этилади. Келтирилган фактлар, фойз ва сонларни таҳлил қила олмас эканмиз, ҳеч қачон катта меҳнат сарф этувчи шарҳларни ёза олмаймиз. Шунинг учунмиз, кейинги пайтда матбуотимиз саҳифаларида бу каби йирик жанрлардаги чиқишлар кам. Борлари ҳам муштарийларни ўзига жалб қила олмайдиган ҳисоботлардан фарқи қолмапти. Бир сўз билан

Математика (К)

айтганда, рақамлар билан ишлашда, журналист алоҳида билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Энг асосийси, мўъжизавий сонларда яширинган сирларни оча олиши учун маҳорат керак. Шундагина рақамлар ортда минглаб кишилар меҳнати ёки тақдирини каби бир қатор омиллар борлигини равшанроқ кўра бошлаймиз.

Масалан, деҳқончиликнинг заҳмати, иссиқхоналарнинг самарадорлиги тўғрисида мақола ёзиш керак. Агар соҳадан хабардор бўлмасак, мақола яхши натижа бермайди. Муштарийлар эътиборини тортишни истасак, деҳқонлар ерга меҳр қўйгандек, ўз ижод маҳсулимизга меҳримизни бағишлаб, тер тўкишимизга тўғри келад.

Дейлик, бир сотих ерингиз бор. Уни иссиқхонага айлантирсангиз-у, қўқат етиштирсангиз, мўмайити даромадга эга бўласиз. Бозорда бир боғ пиёз, қашинча 400/500 сўмдан, сиз эса бир сотих ердан 1000 боғ қўқат олишингиз мумкин. Унинг кетидан эса помидор экасиз. Бозорда помидор нархи 1500/2000 сўм. Иссиқхонангизда бир сотих ердан 350 килограммдан ортиқ маҳсулот олсангиз бўлади. Бу яна етти-саккиз юз минг маблаг дегани. Учтинчи мавсумга сармисоқ пиёз ёки қарам экасиз ва бозорга олиб чиқасиз. Қарабсизки, даромадингиз яна ошди. Қани, энди, енгини шимаринг, ахир ерингиз аттиги бир сотих эмас-ку...

Мана шундай таҳлил ва фактлардан иборат мақола ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмайди. Балки бу кичкина мавзудек туюлар, лекин йирик корхоналар, жаҳон бозорлари ёки бирор соҳани ҳам шунга ўхшаш шаклда таҳлил қилиш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг таҳлиliga киришар эканмиз, талаб ва тақтиф, бозор инфратузилмаси каби иқтисодиёт фанига доир тушунчаларни ҳам теран англашимиз зарур.

Соҳамизнинг янги жанри бўлган инфографикалар, айна рақамларни сўзлатида. Унда тасвир, сонлар ва фойзалар асосий ўрин эгаллайди. Муштарийлар инфографикаларда кам вақт сарфлаб, кўпроқ маълумотга эга бўлишади. Шунинг учун ҳам жаҳон матбуотида бу жанрда тайёрланган материалларнинг алоҳида ўрни бор, уларни тузиш учун эса журналистлар яна ўша ҳисоб-китоб амалларини бажармайдиган бошқа чоралари йўқ. Бу жанр бизда кенг тарқалмаган бўлсада, иختисослашган журнал, газета, интернет сайтларида учратишимиз мумкин.

Қўпичча, бирор-бир соҳа ёки ташкилот вакилига ахборот беришини сўраб мурожаат қилсангиз, улар рақбарлар учун тайёрлаган ҳисоботларини қўлингизга тутқазди. Бу ҳужжатларда сизга керак бўлган маълумотлардан ташқари яна бир қанча рақамлар бўлиши мумкин. Уларни таърифлаш, зарурларини ажрата олиш учун ҳам ўқув керак. Баъзида эса улардан бирортаси мавзунгизга алоқадор бўлмаглиги мумкин. Бундай вазиятда сиз учун нима зарурлигини мутасадди ташкилот ходимига тушунтира олишингиз амрихоҳол. Шунда ташкилот вакиллари билан юзма-юз суҳбатлашган маъқул. Лекин соҳа ходими унинг ривож тўғрисида оғиз қўпиртиради. Сўзларини исботлаш учун турли фойзаларни қалаштириб ташлайди. Бир умунинг сўзларига маҳлиё бўлиб қоласиз. Соҳанинг жадал тараққий этаётганидан хурсанд ҳам бўласиз. Аммо ҳулоса чиқаришга шошилманг! Ҳисобот ҳужжатлари ва унда келтирилган сонларни таҳлил қилиб кўринг. Шундан кейингина соҳа тўғрисида муштарийларга улашишга арзийдиган тўлақонли маълумотга эга бўласиз.

Журналистлар ижтимоий соҳа вакиллари бўлгани учун рақамларни унчалик ҳушхўшмайди. Аммо фаолияти давомида уларга кўп бора мурожаат қилишларида тўғри келади. Шунинг учун ҳам журналистика факультети талабаларига математика фани ўқитилади. Улардан бошқалар сингари илмиз, ҳосила каби тушунчаларни англаш, турли мисолларни ечиш талаб қилинади. Аслида мана шундай сонларни таҳлил қилиш, ҳулосалар чиқариш учун соҳага мосланган махсус дарсликлар, қўлланмалар ишлаб чиқишнинг лозим. Умуман олганда, ҳар бир инсон ҳаёти давомида турли ҳисоб-китобларни амалга оширади. Зеро, рақамлар тилга кирганда, вазият ойдинлашади. Шунинг ёдда тутингки, бошқалар ёлгон сўзлаши мумкин, аммо рақамлар алдамайди.

Санжар ЭШМУРОВ

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС

«Бошланғич 1-бет»

Маълумки, аҳолининг интеллектуал ва маънавий-эстетик эҳтиёжини қондириш, хусусан, ёшларни муштарик фикрлайдиган, мустақил ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар ва маънав баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда китобнинг ўрни беқиссир.

Шу сабаб китоб тарғиботи ва китобхонлик маданиятини юксалтиришдек ўта муҳим масала давлатимизнинг доимий эътиборидан ўрин олган. Юртимизда ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик кўникмасини янада юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини Интернет тармоқларига жойлаштириш, уларни кенг тарғиб қилишга эътибор қаратилаётгани буюк марраларга эришимизнинг муҳим омил

эканига шубҳа йўқ. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 январда “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тўғрисида”ги фармойишининг қабул қилиниши мазкур соҳадagi ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимизда нашриётлар кўпайиб бормоқда. Бу китобхонлар сонини ортиб бораётганидан дарак беради. Жорий йил май ҳолатига кўра, республикада 126 та нашриёт, 1769 та матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Нашриётлар томонидан ҳар йили уч минг номдан зиёд, умумий алали олтиш миллион нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилаётгани фикримизни тасдиқлайди. Бу йил кўрғазмага қў-

йилган китоблар ўтган йилга нисбатан кўп ва сифатли экани кўриниб турибди. Жумладан, “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи”, Фафур Фулом, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётида 400 номдаги бадий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-матрифий, ҳуқуқий адабиётлар нашр этилгани қувонарли ҳол.

Тошкент шаҳрининг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган “Китоб байрами”нинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирок эти.

— Бу галги байрам ҳар йилгидан ўзгача руҳда ўтди. Янги нашриётларда чоп этилган китоблар намойиш этилди. Кўриниб турибдики, китобат соҳасида ҳам маънав, ҳам дизайн жиҳатдан ўсиш бор, — дейди “Янги аср авлоди” нашриёти мухбири Зухра Рўзиева. — Бу йил байрамда 350 га яқин номдаги китоб билан қатнашдик. Жорий йилда “Мактабдан ташқари ўқиш” руқини ташкил қилган эдик. Бу лойиҳа доирасида кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган 100 номдаги китоб нашр этила бошланди. Бугун шундан 22 тасини тақдим қилдик ва бу асарларни китобхонлар илқ қўлиб олишди. Масалан, шу руқин остида Аянвар Обиджоннинг 1—4-синфлар учун мўлжалланган “Ғалати мактублар”, Ҳамид Олимжоннинг 5—9-синфлар учун “Ойгул билан Бахти-

ёр” асари чоп этилди. Бугун амин бўлдимки, одамларнинг китобга бўлган қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда. Биз эса китобхонлар эҳтиёжини қондириш учун фаол ҳаракат қилишимиз керак.

Байрам иштирокчилари нашриётлар ташкил этган кўрғазмалар билан танишдилар. Боғнинг турли жойларига ўрнатилган телемониторларда нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи ҳамда китобхонлик маданиятини тарғиб этишга бағишланган видеоларлар намойиш этилгани таъдирга ўзгача ғай бағишлади.

Республикамиз нашриётларида чоп этилиб, турли халқаро нуфузли китоб кўрғазмаларида совринли ўринларни қўлга киритган юртимиз ноширлари ва матбачиларининг бугунги ижодий имкониятлари ва техник салоҳиятларини кўрсатадиган махсус кўрғазма-стендлар ташкил этилди.

ДУНЁ БОЛАЛАРИ уларнинг ҳимояси қай аҳволда?

» ШАРҲ ЎРНИДА

Бутун дунёда ҳар йили 1 июнда "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни" нишонланади. Мазкур байрам гоёси илк бор 1925 йили Женевада болалар фаровонлиги бағишланган Бутунжаҳон конференциясида илгари сурилган.

Хўш, бутун дунё болалари қандай ҳимояланмоқда? Болаликнинг беғубор оламига пур этмаётими? Катталар уларнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари билан қизиқтиришми? Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, ўсимирнинг иқтисодий эксплуатациядан ва у учун хавфли бўлган ёки унинг таълим олишига халақит қиладиган ёхуд соғлиғига, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ёки ижтимоий ривожланишига зарар етказадиган ҳар қандай ишга бажаришдан ҳимояланиш ҳуқуқи бор. Бу ҳуқуқлардан қайси юрт болалари қандай фойдаланмоқда?

Жорий йил 24-30 апрель кунлари ЮНЕСКО ҳамда Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти Бутунжаҳон имунизация ҳафтасини ўтказди. Бу болалар ҳаётини ҳимоя қилишнинг самарали йўлларидан биридир. Шунга қарамай, дунё бўйича 19,4 миллион бола вакцинациядан четда қолмоқда. Имунизация ёрдамида йилга икки-уч миллион гудакнинг соғломлаштирилиши кўзда тутилган, ушбу тадбир кенг қамровда ўтказилган тақдирда яна 1,5 миллион бола хасталиклардан асраб қолиниши мумкин.

Инсон ҳаёти учун муҳим бўлган биринчи минг кунлигида ёки она қорнида тўққиз ойлик бўлганидан бошлаб, то дунёга келиб икки ёш бўлгунча ҳар бир болага алоҳида ғамхўрлик зарур. Ана шу даврда одам миёсидан ҳар сонияда мингтагача янги маълумот алмашинар экан. Бу эса кишининг келажакдаги билим захираси ва саломатлиги учун пойдевор бўлади. Айнан шу даврда она ва бола учун эътибор, тўғри овқат-

ланиш, рағбатлантириш, меҳр кўрсатиш, асаб зўриқтишдан ҳимоялаш ўта муҳим.

Афсуски, дунё болаларининг ҳаммаси учун ҳам бундай имконият мавжуд эмас. Ҳатто ушбу омиларнинг жиллакурса бирортаси эга бўлмаган болалар ҳам борки, дунёга келиб ўларнинг кўрғилиги хорлик бўлиб қолади. Жаҳондаги беш ёшгача бўлган 250 миллион (ёки 43 фоиз) бола да-ромати паст ва ўрта давлатларда яшайди. Улар тўғри овқатланиш у ёқда турсин, тўғри овқат емайди, тўлақонли ғамхўрликдан маҳрум. Бундай шарт-шароитлар гудакларнинг соғлиғи, таълим олишию бутун ҳаётига жиддий таъсир этмоқда, охири-оқибати жамиятда тенгсизлик ва йўқсизлик пайдо бўлаётган.

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНЕСКО) дунё болаларига ёрдам кўрсатиш учун 2017 йилда 3,3 миллиард доллар маблағ зарур бўлишини йил бошида маълум қилган эди. Ушбу маблағнинг 40 фоизи Суриядаги зиддиятлар туфайли ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлган болалар учун ажратишга қайд этилди. Утган йили 2,8 миллион маблағ етарли бўлган ҳолда, айни пайтда Яман, Жанубий Судан ва Ироқдаги воқеалар сабаб қўшимча маблағ жалб этишга тўғри келаётгани ҳам таъкидланди. 2016 йилда ЮНЕСКОнинг бош хомийси АҚШ бўлиб, 407 миллион долларга яқин маблағ ажратган. "Биз АҚШнинг ёрдам кўрсатиш борасидаги ўз анъанасини давом эттиришига умидвормиз", дейди ЮНЕСКОнинг тезкор операциялар ўтказиш бўлими бошлиғи Мануэль Фонтен. Аммо АҚШ президенти Дональд Трамп халқаро ташкилотларни молиялаштиришни биров



чеклашини маълум қилган. Демак, болалар ҳимояси учун зарур маблағ масаласи ҳали тўла ҳал бўлган эмас.

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 1,4 миллион бола очликдан нобуд бўлиши тахмин қилинмоқда. Ҳозирги кунда Жанубий Судан, Сомали, Нигерия ва Яманда тўғри овқатланмаслик, озиқ-овқат етишмовчилиги бўйича жиддий муаммолар бор. Биргина Яманнинг ўзида қуроли тўқнашувлар туфайли 462 минг бола очликдан азият чеқмоқда. Нигериянинг шимоли-шарқий қисмида 450 минг воёта етмаган ўсимир худди шундай етишмовчилик сабаб силласи курган. Сомалининг қурғоқчилик авж олган кўп худудларида 185 минг бола очлик ажал хавфини со-либ турибди. Жанубий Суданда 270 минг воёта етмаганлар тўғри овқатланмайд-ди. Очликка қарши кураш-га улуш қўлинишни мақсад қилган Буюк Британия Жанубий Судан ва Сомали аҳолиси учун 250 миллион доллар маблағ ажратган эди. Аммо ушбу давлатлардаги қуроли тўқнашувлар тўхтатиладис ва бошқа муаммолар ҳал этилмас экан, ночорликка барҳам бериш мушкул.

Украина эса Европа мамлакатлари орасида оналар ва чақалоқлар ўлими бўйича "лидер"лик қилиб кел-моқда. Бу давлатда 11-17 ёшли ўсимирларнинг 67 фоиз таъкибга учраётган. Шов-шувларга сабаб бўлган — Черниговда мактаб ўқувчиларининг шафқатсиз қал-такланиши, Киевда икки ўсимирнинг ўн ёшли ногирон болани зўрлаши каби

воқеалар ушбу мамлакатда ягона ҳол эмас, қолганлари жамоатчилиққа маълум қилинмаган, ҳолос. "Таъкиб қилинаётган бола руҳий босим остида азият чекади, аста-секин ҳис-туйғуларига зарар етиб, қадр-қиммати тоғталаяди, — дейди Украинадаги мактаблардан бирининг руҳшуноси Лариса Чернохилко. — Психолог-ида бунга шахс чегарасини бузиб ўтиш дейилади. Айни пайтда биз психолог-лар кўп дуч келаётган нар-са шуки, болалар ҳис-туйғу, қадр-қиммат чегарасини билмайди, бирини иккин-чисидан ажрата олмайди. Ҳатто ўзини мазах қилиш-ларига қўйиб беради, қар-шилик кўрсатмайди. Ўсимир-га самимий, дўстона ва илиқ муносабатда бўлган жойлагина бунинг аксини кўриш мумкин..."

Корни тўғри овқат ема-ган болаларнинг ўқиб-ўрга-ниши қай аҳволда бўлиши-ни тасаввур қилиш қийин эмас. Дунёнинг 22 та дав-латида яшовчи 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 25 миллион-дан ортиқ бола қуроли ик-тилофлар туфайли таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум. Бошланғич синфларда да-вомат бўйича энг паст кўрсат-кич Жанубий Суданда қайд қилинган, бу давлатда 72 фоиз бола мактабга борма-ди. Чада эса бу кўрсаткич 50 фоиз, Афғонистонда 46 фоизни ташкил этади. Мак-табга бормаيدиган қизлар сон-и бўйича ҳам шу учта давлат олдинда турибди. Ўрта синфлардаги машгу-лотларга қатнаш бўйича паст кўрсаткич Нигерия (32 фоиз), Жанубий Судан (40 фоиз) ва Марказий Африка Республикасида (55 фоиз) қайд қилинган.

БМТ Болалар жамғарма-си иктилофлар авж олган худудларда таълим дастур-ларини амалга ошириш, жумладан, репетиторлар ёрдамида болалар учун машгулотлар ўтказиш, ўқи-тувчиларни тайёрлаш курс-лари ташкил этилиши маъ-лум қилди. Бундан ташқари, вайрон бўлган мактаблар-ни тиклаш, мебель ва жи-ҳозлар харид қилишда ҳам ёрдам кўрсата бошлади. Йил бошидан буён Чада 150 та синф тикланган, 58 минг бола ўқув қуроллари билан таъминланган. Булар "Таъ-лим кутуб турмайд" жам-ғармаси сатй-ҳаракатлари билан уюштирилди.

Ўз оиласида жабрланаёт-ган болалар ҳам дунёнинг истаган давлатида учрайди. Кўпгина мамлакатларда бо-лаларни бундай ноҳушлик-лардан асраш учун ҳуқуқ-тартибот, васийлик, маҳал-лий ўз-ўзини бошқариш органларидан кўра кўпроқ ижтимоий соҳа мутахассис-лари шуғулланади. Доимий ва кундалик ишлар, ҳатто қийин, хавфли вазиятларга тушиб қолган оила муам-моларини ҳал этиш бора-сида бундай ихтилатлардан катта тажриба тўплаган мамлакатларга АҚШ, ГФР, Голландия, Буюк Британи-яни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу давлатларда ижтимоий ҳодим айланув-чи жиддий талабнома қўйиши учун тўла қонуний ҳуқуққа эга. Яъни уларга жоний иш қўзғатишдан тортиб, ота-оналикдан маҳ-рум қилишгача ваколат бе-рилган. Ижтимоий ҳодим болага шафқатсизларча му-носабатда бўладиган оила-да муҳитини барқарорлашти-риш учун ўз оилан бир йил-гача назорат олиб боради. Агар бу даврда аҳвол ўнганмаса ёки бола ҳаёти хавф остида қолса, иш суд-га оширилади. Бу эса суд қарори билан айбдор ота-онани уйни ташлаб чиқиб кетишга ва болага нисбатан ўз ҳуқуқларидан маҳрум

бўлишга олиб келади. АҚШ қонунчилигига кўра, бола ўз ота-онаси ёки ва-сийсидан воз кечиш ҳуқуқига эга. Воёта етма-ган ўсимир ўз оиласидан норози бўлса, судга муро-жаат қилиши мумкин, бу-нинг учун у 14 ёшдан ки-чик бўлмаслиги керак.

Айтиш лозимки, айни пайтда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатида ювенал — бола ҳуқуқларини ҳимо-лайдиган ва реабилитация қиладиган судлар ишлаб турибди.

Жорий йилнинг 5 май кунин БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитаси вице-президенти, суля Ренате Винтер иш-тирокида Ўзбекистон Рес-публикаси Адлия вазирли-ги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш мар-кази мутахассислари билан давра суҳбати ўтказилди. Винтер болалар олий манфаатларининг доимий эътиборга олинишини таъ-минлайдиган ювенал аллия тизимини ривожлантириш масалалари ҳусусида сўза-ди ва одам савдоси, бола-лар порнографиясидан жабр кўрган ўсимирлар ҳу-қуқларини ҳимоя қилишга чорлади. "Адлия тизимида қонунларни мазкур тамо-йиллар асосида таққин қи-лиш, айнақса, боланинг олий манфаатларини аниқ-лашга ҳаракат қилувчи про-курорлар, адвокатлар ва судьялар бўлиши лозим", дея таъкидлади у.

Бугунги кунда Ўзбекис-тон аҳолисининг қарийб ярми(40 фоизи)ни воёта етмаганлар ташкил этади. Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликлар-и юзлан ортиқ қонунлар билан тартибга солиниши-га қарамай, 2008 йил 7 я-нварда "Бола ҳуқуқлари-нинг қафолатлари тўғри-сида"ги Ўзбекистон Рес-публикаси қонуни қучга кирди. Мазкур қонун Ва-танимизда бола ҳуқуқлари-га оид биринчи юридик ҳужжат бўлди.

Ҳар бир ота-она боласининг кўзлари завқу шавқдан порлаб туришини, аъло ўқиб, келажакда жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлишини истаиди. Ойлада меҳр-муҳаббат кўргони барқарор бўлса, бундай тилаклар рўйга чиқишига шубҳа йўқ. Фақат ҳар биримиз ўз фарзандимиз келажакга учун жавобгар эканимизни унутмасак бўлгани. Токи, БОЛАЛИКнинг беғубор дунёсига шикаст етмасин.

Холида ФАЙЗИЕВА

» БУ ТУРФА ОЛАМ

ЭЛЕКТРОШОК МИЯГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЭТАДИ?

Инсон миёсига электр токи (ТЭС-терапия транскрани-альная стимуляция) ёрдамида таъсир этиш усули тиббиётда оммалашганига қарамай, аслида самараси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди.



Швейцария олимлари берилган вазифани бажара-ётганда ишчи хотирани машқ қилдириш учун электр токини қўллаш яхши натижа берадими, деган са-волга жавоб излашди. Бунинг учун улар тадқиқот ўтказиб, унга 65-75 ёшлар атрофидаги 123 нафар соғлом кишини жалб этди. Тўрт ҳафта давомида қўнгиллар хотираси икки гуруҳга бўлинди, ТЭС ёрдамида ва унинг ёрдамсиз машқ қилдирилди. Би-ринчи гуруҳдагиларнинг диққатларини бир ерга жа-млаш синондан ўтказилди. Иккинчи гуруҳдагилар-нинг эса идрок сезилиши синиб қўрилди. ТЭС ёр-дамида хотираси синондан ўтган гуруҳдагилар миёси-га электр токи билан 25 дақиқа, бошқа гуруҳга эса 30 сония таъсир ўтказилди. Электр токи хотира учун асосий ўрин тутувчи миёа катта ярим шарларини қўзғатишга қаратилди. Натижа эса тоқнинг ҳеч қан-дай таъсири бўлмаганини кўрсатди. Шунга қарамай, баъзи олимлар электр қўзғатувчанлик Альгеймер касаллиги аломатлари ва бошқа неврологик хаста-ликларни енгилаштириши, деган фикрда.

ГАРОЙИБ ФИЛДРАК ИШГА ТУШДИ

Хитойнинг Шаньдун вилоятидаги Вэйфан шаҳрида антиқа томоша филдраги ишга тушди. Унда бир вақтинчи ўзида 360 киши томоша қилиши мумкин. 36 кишининг ҳар бирида "WiFi" ва экран ўрнатилган.

Ушбу аттракционнинг бошқалардан ақралиб тура-диган жиҳати унинг марказида ўқи йўқлигидир. Фил-драк икки тарафлама автомобиль трассаси ўтган кўприкнинг ўртасига ўрнатилган. Томоша филдра-ги бир маротаба айланishi учун 28 дақиқа керак бўлади. Дунёда энг баланд томоша филдраклари Лас-Вегасдаги "High Roller" (167 метр), Сингапулдаги "Flyer" (165 метр) ҳамда Хитойдаги "Star of Nanchang" (160 метр). Лекин айтиб ўтилган филд-ракларнинг барчасининг спиди(кечай)лари ва ўқи бор. Янги томоша филдраги эса баландлиги 145 метр.

ҚАДИМГИ ОДАМЛАР ҚАНДАЙ ЯШАГАН?

Халқаро антропо-логлар жамоаси неолит даврида маҳаллий аҳоли билан бир худудда аҳил яшаган тўлов-чи (қадимги таңга-чақаларни) ёки ҳалқ эртакларини) овчилар бўлганини аниқлашди.

Мутахассислар бундан 8,8 — 5,4 минг йил аввал ҳозирги Руминия ва Испанияда яшаган олти нафар одамнинг генини тиклаб қўришди. Шунда Шайркий Европа худудига ер эгалари тўловчи-овчилар гу-руҳига халақит бермагани, балки икки ўртада меҳ-нат қуроллари алмашиниб, яқин алоқага киришган-лари маълум бўлди.

Биз ўша қадим даврада ҳам икки хил жамоа ўртасидаги юқори даражада интеграция бўлганидан ҳайратда қолдик, — дейди германиялик тадқиқотчи-лардан бири Майкл Хофрейтер.

Тадқиқотчиларнинг ҳулласига қараганда, бу гал-ги қадимги одамлар ДНК таҳлили аввалгиси билан қиёсланганда, яхшироқ, Ҳозирги Украина ва Латвия худудига яшаган қадимги ер эгалари ўртасида ҳам худди шундай илиқ муносабатлар бўлган, аммо Фар-бий Европада аксинча, бири иккинчисига халақит бергани аниқланган. Олимлар ушбу худудлар ўрта-сида Руминия тургани ва қадимги одамлар ҳамкор-лиги айнан шу юртда амалга оширилганини қайд этаётган.

ЕШ САЙЕРАДА

СПИРТ БОРЛИГИ АНИҚЛАНДИ

Астрофизиклар кичик сайёра "ТВ Гидра" гардиши атрофида газсимон спирт борлигини аниқлашди. Бу эса қўлаб мураккаб органик бирик-маларни аниқлашда йўл очиб беради.

"ТВ Гидра"нинг ёши 5-10 миллион йилни таш-кил этади (Кўёшники 5 миллиард йил). Тад-қиқотчилар ёш юлдуз билан орадаги масофа 30 а-строномик бириклик(Кўёш ва Ер орасидаги масофа)ка эга эканини қайд этишмоқда. Ундаги метанол за-ҳарлилик даражаси билан яхши таниш бўлган ол-дий, бир атомли спирт экани маълум қилинди.

Олимларнинг фикрича, 20 астрономик бирик-лик нарида жойлашган, аммо баъзан юлдузга яқинла-шадиган музлаган жисм эриганда газсимон мета-нол ақралиб чиқади. Шу вақтда "ТВ Гидра" атро-фида айланидиган гардишда спирт ҳосил бўлади. Астрофизиклар метанол бошқа органик молекула-лар синтези учун қурилиш материали сифатида хиз-мат қилган бўлиши мумкинлигини таъкидлаш-моқда.

Интернет материаллари асосида Х. АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улугбек тумани ТТЗ-4, 30-уйда жой-лашган 28-квартирани ижарага бериш тўғриси-да Бурунов Икромжон ва Анварова Нигора Бах-тиёровна ўртасида тузилган шартнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акрамов Файзулла Эшпўлатович номига 1993 йил 1 мартда берилган 05-01/7471 рақамли уй-жой ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқол-ганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги НАВИБУЛЛА-НАМИДУЛЛА масъулияти чекланган жамияти ўз устав фон-ди қамайитрилатганини маълум қилади.

Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади.

» ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Ажойиб шимол тасвири, чуқур денгиз кўрфа-зи, музликлар ва қутб ёғдуси — барчаси шу ўлкада мужассам. Сайёрамизнинг гўзал мас-канларидан ҳисобланмиш бу мамлакатни бе-жиш "Шимолий йўл мамлакатини" дейишмайди. Бу ер ўша хавфли, аммо қизиқарли саргузашт-ларни бошдан кечирган викинг (Қадимги Скан-динавиянинг ҳарбий денгиз аскари) ва валкир-лар юрти ҳисобланади. Айтишларича, мазкур мамлакатдаги энг баланд Скала номли тоғ одамни барча ташвишлардан фориг қилиш ҳусусиятига эга экан. Бу ўлка халқи ўз мам-лакатининг табиати билан фахрланади, унга чексиз меҳр билан қарайди. Деярли ҳар бир жойида дам олиш, табиат гўзаллигидан баҳра-манд бўлиш имконини ҳаёда этувчи ушбу мам-лакат Норвегиядир.

Скандинавия ярим оро-лининг гарбий ва шимо-лий қисмида жойлашган Норвегия қироллиги-нинг майдони 387 минг квадрат километр. 2013 йил маълумотларига кўра, аҳоли сони беш миллион-дан ортиқ. Пойтахти Осло шаҳ-ри. Маъмурий жиҳатдан 19 фўйде-ке (вилоят)га ва Осло шаҳрига бўлинади. Давлат бошқаруви конституцион монархия бўлиб, давлат бошлиғи қирол ҳисобла-нади. Тоғли ўлка худудининг қарийб 2/3 қисми денгиз сатҳидан 500 метр баландда жойлашган. Фақат денгиз соҳилидагина паст-текисликлар мавжуд. Худудининг катта қисмини Скандинавия тоғ-лари ишғол этгани боис ҳам Норвегия тоғли ўлкадир. Икки-ми мўътадил, шимолида юрилган сари субарктика иқлимнинг гу-воҳи бўласиз. Ёз салқин, тез-тез ёмғир ёиб туради. Йирик орол-лари — Лофотен, Вестерлен, Сеня, Матерё кабилар бўлса, энг йирик дарёлари — Гломма, Ло-генлардир. Катта гидроэнергия салоҳиятига эга бу дарёлар қор,


ёмғир ва музликлардан тўйна-ди. Мамлакат худудининг 27 фо-изини ўрмонлар эгаллаган. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, си-ловсин, росомаха, сувсар, лос, бугу, тийин, лемминг кабилар учраса, денгиз соҳилида қушлар галасию, сувда турли балықлар ва тюленларни кўриш мумкин.

Аҳолисининг 97 фоизи норвег-лар, шунингдек, у ерда саамлар, квенлар, шведлар, дан ва немис каби миллат вакиллари ҳамжиҳат-ликда ҳаёт кечирмоқда. Давлат тили норвег тилидир. Аҳолиси-нинг аксари лютеранликка эъти-қол қилади.

Қиролликда индустриал-аграр саноат ривожланган. Кема қат-нови, балық овлан ҳамда ташқи савдонинг роли катта. Саноат-нинг етакчи тармоқлари электр металлургия, электр кимё, балық саноати, целлюлоза-қоғоздир. Электр энергияси, ферроқотиш-ма, алюминий ишлаб чиқариш ва кемаасозликда Норвегия дунёдаги олди ўринларда туради.

Мамлакатнинг табиий шарой-ти қишлоқ ҳўжалиги учун ноқу-лай. Тоғ-тош қўлтигидан мамла-

ҲАВОСИ МУСАФФО, СУВИ ЗИЛЛА...



кат худудининг 3 фоизга яқини ҳайдалади, ҳолос. Шунинг учун ҳам қишлоқ ҳўжалиги мамлакат-нинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиё-жини қондира олмайди. Қишлоқ ҳўжалиги асосан гўшт ва сут чор-вачилигига ихтисослашган.

Норвегияда соғлиқни сақлаш юқори даражада таъминланган. Тиббий хизмат қийматининг 80 фоизи ижтимоий сугурта ҳисоби-дан қопланади.

Ҳозирги таълим тизими мак-табгача таълим, 6 йиллик кичик ва 3 йиллик юқори мажбурий мактабларни ўз ичига олади.

Энг тоза-озода давлатлардан бири бўлиш Норвегия зилол

суви, санитария ҳолати, оқова сувларини самарали тозалаш ҳамда мусаффо ҳавоси билан мақ-танса арзийди. Ҳатто меҳмонхо-налариди меҳмонларга "бемалол, кўрқмасдан қраннинг ўзидан сув ичаверинглар", деб тасвия қили-шади. Сабаби сувнинг таъми жуда ширин. Шу боисдан бўлса керак, норвегияликлар нафас йўллари касалликларига кам ча-линади.

Яна бир қизиқарли факт: маъ-лумки, қамқоҳона жазо муассас-аси ҳисобланади. Лекин дунёда шундай турмалар ҳам борки, у ердаги шароит унча-мунча ором-гоҳларда ҳам йўқ. Норвегиядаги

► ҚОМУС

Унутимас
номлар

Қодир МАЖИД — маориф ходими. Тошкент шаҳрида 1880 йил 2 октябрда табиб оиласида туғилган. Дастлаб эски усулдаги мактаб ва мадрасада ўқиган. Рус-тузем мактабида тахсил олган, сўнг 1918 йилдан 1921 йилгача 6-сон Турон мактабида мудири. 1921 йилда бойскаут мактабида дарс берган. Форс, араб, рус тилларини билган. 1918 йилда фирқа аъзоллигига қабул қилинган. 1922—1923 йилларда “Тажриба кабинети” мудири. 1923—1925 йилларда “Табиатни муҳофаза қилиш” музейи мудири бўлиб ишлаган. 1923 йил 23 мартда “Меҳнат қаҳрамони” унвони берилган. 1924 йилда вақф шувбаси ходими. 1925 йилда Ўрта Осиё оқори атиқаларини сақлаш қўмитасида ходим. Шу йили Парижда очилган кўргазмада Ўзбекистон вакили сифатида қатнашган. Берлинда тўхтаб, Германияда тахсил олаётган ўзбек талабалари билан учрашган. 1928 йилда “Физика кабинети” мудири. 1928—1930 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг тайёрлов факультети — “Рабфак”да мудири ҳамда “тарих” кабинети бошлиғи. 1929 йилда фирқадан ўчирилиб, 1930 йилда ишдан бўшатилган. 1930—1937 йилларда қаерда ишлагани номаълум. 1937 йилда қамоққа олинган ва 1938 йил 5 октябрда олий жазога ҳукм қилинган.

Мажид Қодирий 1921—1927 йиллар матбуотида турли мавзулардаги ўндан ортиқ мақолалар билан қатнашган.

Шарипов Бадриддин (1898—1943) — Ўзбекистон Олий Суди прокурори. Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳрида таржимон Латиф Шарипов оиласида дунёга келган. Дастлаб эски усулдаги мактабда, кейин рус-тузем мактабида ўқиган. Ўқини битиргач, 1917 йил февраль ойидан бошлаб уезд ноибининг таржимони ва уч ой мобайнида озиқ-овқат бошқармасида мирза бўлиб ишлаган. Аҳолининг хоҳиши билан шу ишоранинг коллежаси аъзоси этиб тайинланган. 1919—1923 йилларда уезд-шаҳар ЧК ташкилоти хайъат аъзоси, раиси, уезд адлия бўлими мудири, инқилобий трибунал қоидадаги жамоатчи айбловчи, уезд милиция бошлиғи, ижрокўм котиби, бошқарма бошлиғи, Самарқанд вилоят ЧК раиси, уезд ГПУ бўлими мудири, икки марта фирқа қўмитасининг масъул котиби, 1924—1925 йилларда ижроия қўмита раиси. Русиянинг Поволжье минтақасида оғарчиликдан қийнаётган аҳолига ёрдам уюштириб, 30 минг пуд дон юборган (1922—1923). Номи Совнарком “Қизил тахта”сига ёзилган.

“Қизил байроқ” ордени билан тақдирланган. 1923 йил 23 августда ҳалол меҳнатлари “самимий” тақдирланиб, “Крокодил” журналида фельетон қилинади. Шундан кейин барча ишлардан бўшатилиб, фирқадан ҳайдалади ва қамоққа олинади: айблари исботланмагач, озод қилинади. Ишга тикланиб, 1928—1930 йилларда Олий Суд Раиси ўринбосари, кассацион коллежаси бошлиғи, Олий Суд прокурори ўринбосари ва прокурори лавозимларида ишлаган. 1930 йилда Садулла Қосимов иши бўйича қамоққа олинади. Шу йили С.Қосимов, Н.Алимов, Спиридонов билан бирга олий жазога ҳукм қилинган, алмо охириги соатда ҳукм 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилади. У Вологда вилоятида сургунни ўтаётган даврда 1938 йил 12 февралда асосиз қамоққа олинган ва янги муддатга ҳукм қилинган. Б.Шарипов 1943 йил 28 октябрда 47 ёшда вафот этган.

Нашрга тайёрловчи: Сирождиддин АХМАД

► ДАВР МУАММОСИ

Ярим тун. Манзилимга тезроқ етиб олиш учун таксига ўтирдим. Машинада икки аёл бор эди. Уларнинг суҳбатини эшитиб, “оббо, ҳазил-кашлар-е...”, дедим беихтиёр. Аста-секин бу ҳазиллар ўрнини куракда турмайдиган эхтиросли сўзлар эгаллади. Эркаклардан андиша қилмай айтилаётган гаплар, оғзидан анқибётган ароқ хидидан уларнинг “шай-тонлар макони” (тунги клуб)дан қайтаётганини сезиш қийин эмас эди. Чамаси 23:45 да оила бағрида, балки ширин уйқуда бўлиш ўрнига, ўз шаънига доғ тушираётган бу аёллар ярим кечаси тунги клубларда нима қилиб юрибди? Ўзи тунги клублар кимлар учун? Шу каби саволлар пойтахтимизнинг баъзи гўшаларини кезишга, фаолиятини тонггача журитаётган “подвал”ларни қидириб топишга, кузатишга, умуман журналистик теширув олиб боришга ундади.

Биринчи манзил.

Спорт кийимда бўлмасангиз, бас!

24 апрель, соат 23:00 да “шайтонлар макони”га йўл олдим. Соат 23:45 да Учтепа тумани “Чўпон ота” маҳалласи Лутдий кўчасида жойлашган “Пандора” тунги клубига етиб келдим. Кириш жойи кучли назорат остига олинганини эшик ёнида турган барзанги йилгитининг шикоятинан ҳам билас бўлади. Унга яқинлаша бошладим. Ичкарига кирмоқчи бўлганим, у йўлимни тўсди:

— Ака, кимнинг олдига?

— Ҳеч кимнинг, бир ўзим дам олиш учун келдим.

— Сизни ичкарига қўймайман.

— Нима учун?

— Этнингиздаги кийим тўғри келмайди.

Бунга ҳўжайин рухсат бермаган, — дея мени ичкарига киргизмади. Эҳ, спорт кийимидалигим шу ерда панид берди. Кечаси турли кўнгилсиз ҳолатлар бўлиб қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бунинг устига ўзим учун кулай кийим кийган эдим-да.

— Клуб соат нечигача ишлайди?

— Соат 4:00 га қадар ёпилмайди (жуддий нигоҳда қарайди).

Эшик олдига соқчининг совуқ муомаласио жиддий нигоҳларидан мени барибир ичкарига йўлатмаслигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг бир четда туриб кириш эшигини кузатишга қарор қилдим. Клубга турли ёшдаги йилгит-қизлар, аёл, эркаклар кириб-чиқиб турарди. Бемалол кириб-чиқиб юрганига қараганда, уларга уст-боши ҳалақит бермаётган эди(!).

Саҳаргача бу ерда хоҳлаган кишингиз билан хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин: ичиги, чекиш, ўйин-кулги, манишат, бу ёни ўзингизга маълум. Хуллас, тун узоқ. Фақатгина бу ерга ташириб буюрғанлар “дресс соут”, яъни тунги клуб белгилан берган кийимда бўлса бас(!). Буни қарангки, бирини менинг спорт кийимда келганимга эътибор беришибди-ю, эри қатнаб турган йилгит-қизларнинг ёши, вояга етган-етмагани уларни умуман

қизиқтирмади. Бу ёшлар ким ўзи? Кимнинг фарзанди? Катталар-чи, оила даврасида бўлиш ўрнига “тунги капалак”лар билан клубда нима қилиб юрибди? Шу каби саволлар ҳалиги барзангининг таъбири билан айтганда, “ҳўжайин”нинг ҳаёлига келмабди-да! Тўғри-да, ким ҳам бу кимсалар ортидан келётган миллион-миллион даромад олдиди бундай саволлар билан бошини оғритмаси келарди.

Энди бошқа бир кун клубга улар хоҳлаган кийимда келиб, ичкаридаги аҳволни ўз кўзим билан қўришни кўнглимга тутиб, у ердан узоқлашдим.

Иккинчи манзил.

Дунёнинг ажралган бўлаги

Шу кунни соат 23:54. Биринчи манзилимдан унчалик узоқда бўлмаган масофада жойлашган, олий даргоҳнинг рўпарасидаги “ЖА-ГУАР” номли клубга келдим. У ерда ҳам “барзанги”лар кириш-чиқиб эшигини назорат қилиб турар эди. Хайриятки, бу гал киришимда ҳеч қандай муаммо туғилмади.

Ичкари қирар эканман, бу ердаги муҳити қўриб қўйлагим ёқасини ушлаш учун қўл узатганим, уни топа олмадим. Ахир, спорт кийимиданман-ку! Клуб ичи шинам, турли европа мусиқалари қўлқони батанг қилидиган даражада янтраб турибди, турфа хил рангли чироқлар чакмоқдек ўчиб ёнаётди, кимдир ичган, кимдир чилимкашлик қилган, яна кимлардир маймунга ўхшаш ҳаракатлар билан рақс учун ажратилган жойда сакради. Турли ҳид ва тугунлар димогизингизга урилаверишидан маст бўлаёсиз. Хуллас, бу ерда тоза ҳавонинг ўзи йўқ. Қўзим билан клубга кириб турган муҳитнинг аҳвали кишини эси-дан оғдирар даражада. Бу ерни дунёнинг ажралган бир бўлаги деб тасаввур қилверасиз.

Хайратдан қотиб қолганимни кўрган офицант қиз столга ўтиришни таклиф қилиб, буюртмалар дафтарини ёнимга қўйиб кетди. Озиқ-овқатлар, ичимликларга қўйилган нархлар ҳам эсингизни чиқаридиган даражада қиммат. Мисол учун 1 литр кола ичимлиги 10.000 сўм, биринчи иккинчи таомлар

Бола “бола”лигини қилса...

► ОТА-ОНАЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Одатдагидек, ҳар шанба боғчага боровчи болалар учун “эркинлик кун”и. Бугун ҳам кўп қаватли уйнинг ҳовлиси қақажонлар билан гавжум. Ўғлим ҳам қўшининг икки боласи билан етаклашиб, пастга ўйнагани тушган. Барча уй бекаларига таниш ҳолат: бу пайтда қўли бўшаган аксар оналар уй юмушларини тезгина бажариб олишга киришади.

Кимдир уй йиғиштирса, яна кимдир кир ювади ёки овқатга унайди. Мен ҳам тезгина уйинчқоқлар билан тўзиган уйни йиғиштириб олиб, тушлик тайёрлаш учун ошхонага кирдим. Сабзавотларни арчиб турсам, пастдан бақир-чақир ва боланинг “дол-вой”и эшитилди. Ўғлим биров билан тортишиб қолмадикан деб, деразадан пастга қардим. Йўқ, қўшни болалар билан ўйиндан тўхтаб, ҳолатни кузатишгаётган экан. Боласини уриб, ҳақоратлаётган аёлнинг кимлигини кўролмадим, қўшни подьездан “Мушкетерска боланинг нимасини урасиз?”, дея ҳовлиқиб келаятган Санобар опани кўрдим. “Тинчликмикан?”, дея биз қўшни аёллар ҳам ҳовлига чиқдик. Билишимизча, ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган Саиджон ўртоқлари билан машина таллашиб, уришиб қолди. “Кенайин, болангизга қаранг!” деган ўғлидан икки-уч ёш каттароқ болаларнинг аламини фарзандидан олибди. Йиғидан “ҳиқ-ҳиқ”лаб қолган Саиджон қўзлари жовдираб ёнини олаётган буварларга меҳр билан тикилар, қолганларга ҳам нажот кутгандек, бир-бир қараб чиқарди. Санобар опага қўшилиб, маҳалланинг ёши улуг онахонлари ҳалиги аёлни анча қойишди, асабини даволатишни маслаҳат беришди.

Уйда тинчгина ўтира қолсин, деган ўйга болани олиб чиқавердим. Ўғлим зинада мени тўқатиб, маҳкам кечи-олди ва “Ойижон, мани кучиринг, энди ҳамма айтганингизни қиламан”, деб зўймдан ўпиб қўйди. Юрагим тўлиб кет-

ди. “Ақлли бола бўлсанг, нега сени урарканман, кўркма, урмаман болам” дедим-у, ортиқ гапиролмадим.

Кўпчан, ота-она боласини уриб тарбияга чақирганда “Мени ҳам онам (отам) урганлар, кам бўлмадим” деб ўзларини оқлайдилар. Лекин ўзларини ҳам бир пайтлар “таъминоти” шапалоқнинг жисмларига оғир ботганини унутиб қўйдилар. Тўғри, жисмоний оғирлиқ ўтиб кетар, лекин калтаклашдан қалбда қолган оғриқ ҳаёт давомида боланинг хотирасидан кўтарилмаслиги аниқ. Ҳатто қушқондан чиққан баъзи жазо усуллари оқибатида бир умрга ногирон бўлиб қолганларни эшитганимиз. Ёки бир ярим яшар ўғилчасига тўсатдан туширган тарсақиси оқибатида фарзанди дулдуқ бўлиб қолишига сабаб бўлган оилалар шу жамиятимиз вакиллари экани ҳеч биримизга сир эмас.

Ёшлигида кўп калтак еган болалар ўқийди, ишда чўққиларни забт этиши мумкин, лекин бу муваффақиятлар орқасида боладаги психологик стресс кетмаслигини ҳамма ота-она ҳам билмайди. Яъни кўрвуч туйғуси болага ҳеч қачон бахтни ҳис эта олиш имкониятини бермайди. Чунки мақсадига эришганидан эмас, “жазо”дан қўтилганидан хурсандлик ҳисси устун бўлади.

Болаларни жазолаш усуллари ҳақида кўп эшитамиз. Ҳатто, айрим оналар бу борада “тажриба” ҳам адмашиб турадилар. Болаларини билиб-билимай қилган хатолари учун қоронғи хонага қамаш, оқ қолдириш, бурчакка турғизиб қўйиш, яхши кўрган нарсасидан

маҳрум қилиш каби усуллари жазолашди.

Болаларни жазолаш мақсадида уларни уриш энг қадимий ва мунозарали тарбия усуллари-дан бири ҳисобланар экан. XX асрнинг ўрталарига қадар шапалоқ тушириш ёки қўлида қайиш, таёқ тутиб турган ота-она ҳеч қимла эътироз уйғотмасдан келган. Машҳур болалар ёзувчиси Астред Лингреднинг фикрича, дунёдаги вақт-шайлик болалар хонасида бошланар экан. 1979 йилда Астред Лингреднинг бир нутқидан сўнг Швеция биринчи бўлиб болаларни оилада уриш мумкин эмаслиги ҳақида қонун чиқарди. Ёзувчи ўшанда ўз нутқиди қўйидаги ҳикояни сўзлаб берган эди.

Бир она ҳеч қачон фарзандини урмаслиқка ўзига ваъда беради. Лекин кунларнинг бирида ваъдасини унутиб, ўғлини ноҳўя ҳаракати туфайли жазоламоқчи бўлади. Ўша пайтлар болани чивик билан уриш кенг тарқалган жазо тури ҳисобланган. Шунда она фарзандига кўчадан бир нечта чивик топиб келишини буюрарди ва уни шу йўсин жазоламоқчилигини айтиди. Бола орадан анча вақт ўтиб, қўзлари ёшдан шишган аҳволда чивик эмас, каттагина тош кўтариб келади. Онанинг тошга ҳайрон бокдангичи кўрган бола йўлаб: “Чивик топа олмадим, лекин мени жазолашнингиз учун шу тошни олиб келдим, уни менга отангиз бўлади”, дейди. Она боланинг ўрнига ўзини қўйиб қўради ва йўлаб “Ким ўз боласига тош ота оларкан?” деганида, бола “Агар менга озор етказмоқчи

бўлсангиз, чивик билан уришнинг тош отишдан нима фарқи бор” дея жавоб қайтаради.

Ўтган асрнинг 60-йиллари-дан бошлаб болаларни бундай жазолаш усулининг самарадорлиги ва натижалари ўрганила бошланган. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, болаларни уриш бу ёмон тарбия воситасидир.

Ақсарият руҳшўносларнинг фикрича, жисмоний жазолаш 2 ёшгача қўлланмаслиги лозим. Тўққиз ёшдан кейин улар бундай истисно этилиши керак. Бироқ нима бўлганда ҳам болани жисмоний жазолаш бошқа тарбия усулларига қараганда самаралироқ ҳисобланмайди. Аксинча, тарбиянинг бундай усули болалар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши ва руҳий ҳолатнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Профессор Мюрей Штраус ўзининг қирқ йиллик фаолиятини болалар тарбиясида йўл қўйилмаган хатоларни аниқлашга сарфлаган. Унинг таъкидлашича, жисмоний куч воситасида “тарбияланган” болаларнинг зехни умуман калтакланмай ўсган болаларникига нисбатан сустроқ ривожланаркан. Штрауснинг фикрича, фақат маънавий савияси паст ота-оналаргина ўз фарзандларини дўппослайдилар.

Америкалик тадқиқотчиларнинг оғоҳлантиришича эса, ёш болани ҳатто силкитиш унинг ақлий ва жисмоний ривожига зарар бериши мумкин. Каттик силкитиш миянинг бузилишига олиб келади, бу баъзи ҳолатларда асаб тортишиши, ўқишдаги қийинчиликлар, эътиборсизлик

каби салбий омилларни келтириб чиқариши мумкин.

Болани кўрқувга солиш осон. Лекин болага вақт ажратиб, у нега қаршилиқ кўрсатганини аниқлаб, меҳр ва сабр билан тушунтириш ҳаманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бола ота-онасини хурмат қилса, уларни асло ҳафа қиладиган иш қилмайди. Хурматга эса калтаклаш билан эмас, болани тушуниш билан эришилади. Бола қулоқ солмайтими, демек, ота-она унинг қалбига йўл топа олмаётти. Яъни, ҳамма ишингизни бир четга суриг-да, болангизни бағрингизга босиб, у билан гаплашиб кўринг. Бошида албатта у ўзини олиб қочади, чунки бундай илтифотга ўрганмаган. Аста-секин уни нима қийнаётганини ўзи айтиди. Қўпинча, боланинг ота-онага қулоқ солмаслигига ҳам унга меҳр ва эътибор етмаётгани сабаб бўлади. Агар бундай пайт бола калтакланса, у яқинларидан янада узоқлашиб бораверади.

Агар боланинг ҳар бир шўхлиги учун койинсангиз ва урсангиз, у бунга ўрганиб қолади. Кейинчалик ҳақиқатдан шунга лойиқ иш қилганида калтакласангиз ҳам у булар орасидаги фарқни англамай қолиши мумкин.

Рухшўносларнинг айтишича, жазо тури бола соғлиги учун ҳавфсиз бўлиши керак. Яъни бошқа чора қолмаганда ҳам боланинг фақат орқасига ёки оёқларига қўл билан уриб қўйиш етарли. Бу жазо усули қанчалик кам қўлланилса, шунча самаралидир. Калтак ҳеч қачон одадий ва доимий тарбия усулига айланиб қолмаслиги керак.

Бола билан кўпроқ суҳбатлашиб ва турли эртак ҳақрамонлири орқали яхшилик, тўғрилиқни тарғиб этиш ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олади. Олимларнинг таъкидлашларича, бола билан суҳбатлашиб уларнинг ақлий салоҳиятини юксалтирар экан. Чунки суҳбат давомида уларнинг қизиқувчанлиги янада ошади.

Гўзал МАЛИКОВА,
“Hurriyat” мухбири

ТУНГИ МУХБҲИР



нархи 35.000 сўмгача, балки ундан ҳам зиёд. Бу энди хоҳишингизга боғлиқ. Энг арзон салат 5.000 сўм. Хоҳлайсизми-йўқми, столни банд қилганингиздан сўнг қиймати 40-50.000 сўмлик мевалар ёки шунга ўхшаш маҳсулотларни олдингизга мажбурий олиб келиб қўйишади. Уч-тўрт киши “маза” қилиб дам оламан десангиз, ўртача 200.000 сўмдан зиёд пул сарф қиласиз. Мана сизга дам олишу ана сизга пул совуришининг йўли! Буларни кўриб, қизқич Аваз Охуннинг “У вас есть инсод?” деган гапи ёдимга тушди.

Нарх-навои кўрган бўлиб клубни кузатишда давом этдим. Клубнинг аксар қисмини йилгит-қизлар (баъзилари вояга етмаганлар) ташкил қиларкан. Бировни камситиш ниятим йўғу, лекин улар қўзимга манкурт бўлиб қўринарди. Қилаётган амаллари ақлга сиймас даражада хунук бўлган бу йилгит-қизларини шу соатгача эслайдиган, сўраб-суриштирадиган қизқичи топилмаганига ҳайронман. Булар ҳам кимнингдир фарзанди, суякли боласи бўлса керак? Уларни бундай жойларда тентираб юришлари учун кундузни кундуз демай, кечани кеча демай, минг бир азобларни чеккан ота-она меҳнатининг қадри шу бўлдики?! Боласининг бундай ҳулқ эгаси бўлиб вояга етишида нималар сабаб бўлди экан? Йилгитларни-ку, майли йилгитчиқка йўярсиз, аммо, бизнинг наздимизда ибодат-ҳаёли, ор-номусли, ифбатли ўзбек қизи ярим тунда бегона эркаклар орасида, ярим-яланғоч кийимда, минг хил нозу карашмалар қилиб, бир унинг, бир бунинг елкасига осилиб, ифбат пардасига тушуриб, қилаётган ишини қандай изохлаш мумкин? Мен “аста-фуруллоҳ”дан бошқа сўз тополмадим.

Улар орасида бир қизни кузатиб туриб қўнгилми бузилди. Тан олиш керакики, у жуда қиройил, қадлу қомағи келишган эди. Ҳайф сенга шундай гўзаллик, дедим беихтиёр.

Бу жиннилар маконида бундан ҳам даҳшатлироқ манзаралар бор экан. Бир томонда фаҳш ботқоқига ботган эркак-аёллар, бир томонда бутун бир оила: эр-хотин, дўст-ёрлар билан бирга ҳали дунё юзини кўрганига кўп бўлмаган гўдакнинг ҳам шулар сафиди эканига нима дейсиз? Ўзбек боласи “шайтонлар макони”да катта бўлса-я!!!

Ақалли боғча нималарини билмаган гўдак айнаи уйқу пайтида ақлини йўқотадиган мусиқа жаранги остида қулоғи битиб улғайса, у эртага ким бўлиб етишади? Ўзи тарбия нима эканлигини англамай, эртага у “тарбияланган” фарзанд ким бўлади?

Бунга ҳам майли кўз юминг, ҳали тирикчилигини-да англамаган чақалоқнинг ҳар кимнинг қўлида жовдираб, ўйинчоқ бўлаётганини қандай изохлайсиз? Қулоғидан ҳали азон жаранги кетмаган (агарда айтилган бўлса, албатта) гўдакни мана шу даврага олиб келган “она”га ким дея таъриф берасиз?! Уни шу пайтга қадар сўрамаган, буви ё буваларига-чи, қирққа кирганда ҳам қуломай кеч-ки давраларда ўзини соллаган “кампирилар”га-чи?

Четдан қараганда, бу ерда ҳамманинг қайфи чоғ, қўнғил қўшғу рақсдан бошқасига қўнмайди. Ким қуйлаган, ким сакраган, ким ўйнаган, ким ичган, ким яна нима болалар қилган, ўзи билиди... Хуллас, ҳамма ўзинча еттинчи осмонда. Қўшиқларнинг жарангидан қулоқ тугул, мия ларзага келади. Одам ҳар ўн дақиқада бир кўчага чиқмаса, қолган ўн дақиқа ичида луғатингиз бутун умрга етадиган сўз “санъати” билан бойиши ҳеч гап эмас.

Бундай давраларда “ўйин-кулги”, “рақс”у “қувонч” деб баҳоланган қилиқлар аслида овозсиз тасвирда томоша қилинса борми, кўргани кўзи чўйида кишининг. Дунёда қанда бачкана қилиқ борки, уларнинг бари шунча муҳассас гўё. Ҳамма жазавала, қўзлар ола-қула, ким нима қилиқ қилаётгани, нима деяётганини, қандай мусиқага ўйнаётганини буткул унутган. Худдики, бутун дунё клуб эшиқлари сиртида қолгану, бу ерда жамики, ҳаракатлар ақл ихтиёридан буткул соқит...

Сиз дунёда энг гўзал ва энг маъсума деб билган қизлар, ранглор чироқлар ёруғида чақалоқларнинг тушига кириб кўрқитиб чиқадиган алвастик қилиқларини қилиб рақсга тушиб турсаю, унга яна сизни-да чорласа, ўзингизни галати ҳис қилар экансиз...

Мендан бошқа ҳамманинг қайфи тароқ, қилаётган ишларидан мамнун ва хурсанд.

Ҳеч нарсадан хавотирга тушаётгани ҳам йўқ. Буларга қўйиб берсанг, қўнғилни кенг қилиб эрталабгача шу муҳит денгизига сузайди. “Бўлиб бас! Ортиқ бу ерда қолиб бўлмайди”, деган шадд миямда қайта-қайта айлан-ди, шундай бўлмаганда ушбу магнит майдонидан чиқиб мушкул эди.

Учинчи манзил. Мана сизга аёл иффати-ю, мана сизга эркак гурури!

26 апрель санаси тунги соат 23:36. Учтепа тумани 21 мавзеда жойлашган “ПАНТЕРА” тунги клуби ҳам ўз фаолиятини қизгин олиб бормоқда. Лекин бу ерда кўп қолишни эп кўрмай, баъзи ҳаммаҳарларимиз кўп бор тилга олишган шу туманининг 25-мавзеейда жойлашган “ЛЕГИОН” клубига соат 00:01 да кириб бордим. У ерда одамлар сони камроқ, ақсарияти ўрта ёшдаги эркаклар ва аёллардан иборат эди. Ичкарига кириб бўш столга ўтирдим. Бирдан давра ўртаси ёришиб, араб мусиқаси янграй бошлади. Чамаси, ёши қирқларни қоралаган, оппоқ кийим танасига ёпишиб турган аёл давра ўртасига чиқиб мусиқа оҳангига мос равишда мисли илон каби танасини тебратга бошлади. Атрофда қўриқилишдан яхши жойларда ишлайдиган, костюм-киём кишган эркаклар давра ўртасидаги “илон”нинг ҳаракатларига маҳнэ бўлиб ўтирар эди. Минг хил ҳайвоний қарашлар бунда муҳассас эди. Мана сизга аёл иффати-ю, мана сизга эркак гурури!

Бу ерда ҳам аҳвол шу экан-да, деб чиқиб кетмоқчи бўлганимда, офицант қизнинг гапи ўтиб тушди. Нима эмиш одамлар энди келар экан, ўтириб турар эмишман. Э, йўқ, раҳмат! Бир неча кундан буён бундай давраларда юравериб, қўзларим қўриши мумкин бўлмаган нарсаларни кўравериб, қулоғим эшитиши керак бўлмаган гапларни эшитавериб, қанча гуноҳларга ботдим, бу фақат яратганга аён...

Тўртинчи манзил. Тунги капалаклар кўнгаласи

21 май кечаси соат 22:00 да юқорида таъкидлаб ўтилган “ПАНДОРА” тунги клубига киришга муваффақ бўлдим. Хайрият сал бўлса ҳам тартиб бор экан-ку, дея хурсанд бўлганим, афсуски, бир неча соат ўтгандан сўнг, яъни 00:00 дан кейин томоша бошланди, нақ жаҳаннамнинг ўзи! Клубда уч соатдан зиёдрок вақтимни ўтказган бўлсам, шу вақт оралтида кўп воқеалар гувоҳига айландим. Агарда уларни борица ёзданган бўлсам, қалам учи синиб, қоғоз йиртилди. Шундай бўлса-да, бошқа клублардан фарқли ўлароқ

КҲКЛАМ ЁМҒИРИ

РУҲИЯТ

Кечадан бери ёғаётган ёмғир куртак отган, гуллаган дарахт новдаларини эркалаб, юз-кўзларини юваётгандек. Ниш урган майса-гиёҳларга дармон бўлаётгандек гўё. Шу зайл ёмғир борлиқни ювиб тозаламоқда, ҳавони ғуборлардан аритмоқда...

Кўкларнинг музаффар ҳавосидан симириб, ёзув столимга ўтириб, кеча ва бугун чоп этилган газета ва журналларни варақлашга — мутулаага шўғиллан...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмировнинг "Банди бургут" номли ҳикосини гарчи бир неча бор ўқиган бўлсам-да, яна бир бор ўқидим. Ҳикояда ҳали юртимизда истиқлол куёши чарқламай, миллатимиз эрки ўзида бўлмай, озодлиқни, эркин соғиниб, интилиб, уни бадий образда, яъни банди бургут тисолида кўйланганлиги руҳини ёритди. Бейхитёр ҳақиқий ижодкор тўққинлар қаърида долғалар ила курашиб яшайди ва эртани кўра билди, деган ҳаёллар кечди кўнглимдан.

Филология фанлари номзоди Олим Тожбоевнинг мақолисида Шукур Холмировнинг "Кўк денгиз" номли ҳикосаси чуқур таҳлил этилган. "Кўк денгиз" — муңли дoston. Айрилиқ, алам, мағлубият ва парокандалик дostonи. Туркийлар тарихи, маданияти ва кечмиши ҳақида битилган асарлар силсиласида "Кўк денгиз" ҳам эркин саҳифа. Ҳақиқатдан, олим таъкидлаганидек, тили, дини йўқлиб бораётган бир пайтда туркий миллатларнинг сакланиб қолганлиги ва кечаги отир иштироки қисмати ҳикояда эркин очилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Китоб дунёси" газетасининг 2017 йил 22 февраль сонидан босилган "Ватан қасидаси" номли асарини катта қизиқиб ва ҳаяжон билан ўқидим.

Рост гап, ҳали асарни ўқимай туриб, шунчаки қасида экан-да, деб қарайдим. "Ахир, "қасида" дейилганда, мен бежам риторикадан иборат, қайсибир бир шахсни баландпарвоз сўзлар билан маҳз этиш, қофиялардан ташкил топган шеърли сатрларни тўшунганман. Эркин Воҳидовнинг "Ўзбекистон" қасидаси бундан истисно.

Қасида:

Оқш, эй меҳрибон

қаттиққўл ҳаёт,

Залворинг елкамга

ортганинг учун!

Ҳайратда қолдириб

ёш қалбини бот-бот,

Сеҳр-ла барингга

торганинг учун! —

сингари мағзи тўқ сатрлар билан

бошланиб, Ватанин, туғилган

юртини бадиий ифода этилганлиги

билан фикрим чарқалаганини

тамомила ўзанидан йироқлашти-

риб, бузиб юборди.

Кўп шоирлар ҳаётдан — қи-

йинчиликдан нолиш билан шеър

битса, бу сатрларда аксинча, ҳаёт-

нинг қаттиққўллиги ёш қалбини

сеҳрлайди, ҳайратлантирди.

Асарни ўқир эканман, шахсни

топганини, ҳар бир фасл ўн олти

сатрдан иборатлигини ҳис этдим,

бу ўқувчини нафас олишга,

ўйлашга, яъни сатрлар қаърига ки-

ришга ундайди. Ҳар бир банднинг

охирги икки мисраси маҳорат бил-

ан ўзига хос юки-ла янгилиб

такрорланиши шеърни янада

ғўзаллаштирган, теранлаштирган.

Фикримнинг исботи учун

бандлардаги охири икки сатрлар-

дан айримларини ҳавола этаман:

Сен севги қадрли юксак ва буюк,

Севидай мураккаб, севидай содда.

Кейинги бандда:

Сен ҳаёл қадрли юксак ва буюк,

Ҳаёлдай беқарор, ҳаёлдай содда, —

каби нафислиги билан такрорла-

наётган сатрлар кейинги банд-

ларда ҳам давом этиб, Ватанин

бадиий либос ила улуғлаётди. Ал-

батта, такрорланаётган мисралар

ҳар бандни жанжирдай боғлаб,

асарни яхлит ҳолга келтирган,

бир бутунлик бахш этган.

Ватан озодлигидан, халқ эр-

кинчилигидан ҳар бир ижодкор

қувониб, севиниб ичиға сийма


рангин асар битаётган бу кун-

ларда Муҳаммад Али ҳам сурур

ила "Ватан қасидаси"ни яратган-

лиги ёш ижодкорларга мактаб

бўлади.



Ватанин! Кўнглимнинг

лаҳзиди борсан,

Борлигим куйдиран

ўт эҳтиросинг.

Бугун ҳур, озодсан,

Бугун нурга тўлмиш

хонайи хосинг!

Озод Ватанин — бу кунлари-

мизни катта пафос билан куй-

лаш улуг ёшга етган ижодкор-

нинг ёруғ товушидир.

Яқингинада Президентимиз

Шавкат Мирзиёевнинг Қашқа-

дарё вилояти сафарига улуг шоир

Абдулла Ориповга ҳайкал, музей

ва унинг номидаги ижод макта-

би барпо этилиши ҳақидаги так-

лифи ва таралдуди Адабиётга

эйтибборнинг янада кучайганли-

гидан дарак беради, ахир!

Президентимизнинг йил бо-

шида "Китоб маҳсулотларини

чоп этиш ва тарқатиш тизимини

ривожлантириш, китоб мутулаа-

си ва китобхонлик маданиятини

ошириш ҳамда тарғибот қилиш

бўйича комиссия тузиш тўғриси-

даги фармойиши ёхуд Тошкент

шаҳрида амалда оширилаётган

бунёдкорлик ишлари, лойиҳалар

билан танилиши чоғида Давлати-

миз бошлиғи Алишер Навоий но-

мидаги Ўзбекистон миллий бо-

ғидаги Шоирлар хйёбонига ҳам

бўлиб, бир гуруҳ адиб, шоирлар

билан учралиши ва ўша жойда

келгусида адабиёт учун барпо

этилажак иншоотлар режалари

бўйича суҳбатлашгани барча

қалам аҳлини қувонтирди.

Мен беихтиёр уларга толдим.

Шу яқингинада Тошкент шаҳри

қандоқ эди, бугун қандоқ. Ай,

тасаввур дунёма нақадар кенгайи-

ганлиги кетдики, ҳатто энг

машҳур мусаввирларнинг ранг

бўёқларидан-да рангин...

Кечагина Эски шаҳарнинг айқаш-уйқаш чоллевор уйлари бузилиб, бугун замонавий, қадди-баста олис келажакларни бўйлайдиган бинолар бунёд бўлганию, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи жаннатдек бўлиб яралганлиги, қанча-қанча йўллар, узун кўприklar қурилганлиги кўз ўнгимизда ёрқин нур таратиб ўтди. Кўнча шаҳарнинг ҳар бир жойида ўзгариш, яралиш, аллон гулларга бурканиши...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг янги шеърлари ҳам шеърлигимизнинг камолотини кўрсатиб турибди.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Ҳар гал бирор янги насрий китобни қўлимга олганимда, ҳаёлимдан шундай савол ўтади: ёзувчи асарини ҳаётдан олиб ёздимики ёки "ижод" қилиб қўя қолдими-кан? Бундай савол Комил Синдаровнинг 2017 йилда "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан ХХІ аср ўзбек детективи сериясида чоп этилган "Кечиккан қасос" номли китоби билан танишганимда ҳам ўтди. Аввалига шунчаки варақладим, воқеалар табиий, жумлалар тиник, назаримда, у тўқиб-бичилган нарсалардан иборат эмасдек эди. Чинакамига ўқишга тутинганимда, бунга янада ишонч ҳосил қилдим.



ҲАЁТҲҲ ҚУССА

Ўқувчини турли характерлар тасвири, ҳаётӣ воқеаларнинг ривожӣ берафқ қолдирмайди. Асар бош қадрамоналари прокуратура терговчилари — Фахриддин ва Санжарбеклардир. Улар очган жиноятлардан кўз юмиб кетолмайсиз. Чунки Тоғаевлар хонадонининг барча аъзолари мудҳиш ҳаққоний қурбонига айланишган. Уларнинг бундай аянчи тақдирига бойлик сабабини ёки... Кетма-кет содир этилган жиноятлар иштирокчилари қимлар ёки бу битта одамнинг ишми?

Майрам нима учун ўзини қарий йигирма ёки қарикка, гултилка солиб юрди? Немайтиланинг бахтли оила-си кўз тегими ёки улар ҳам бахтсизлик қурбонларими? Терговчилар нима учун йигирма йил аввали жиноят сабабини ўрганишга бел болади? Муаллиф ижод жараёнида жиноят оламнинг ана шундай ниҳоятда чигал ва мураккаб муаммолари, сирларига ечим излайди. Шунингдек, терговчилар ёрдамида Жиззах шаҳрида банк бошқарувчиси ва унинг оила аъзолари билан боғлиқ антиқа ва сирли қотилликни очиб қиришди. Асар тили содда, муаллиф халқчил иборалардан ўрнида фойдаланган, воқеалар ҳаётӣ ва ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилинган. Фақлар бир-биридан жонли ва қизиқарли. Масалан, отаси тухмат билан қамалган қизга қисса қадрамоналаридан бирининг тилидан шундай дейилади: "Болажоним! Отангини содда-лигини айтмайсанми?! Ҳар гал ортидан бораемизда, "Зухриддин дўстима учраси, у албатта ёрдам беради, мени бу тухматдан қириб олади", дерди. Кейинги бораемизда, учрашмаганим учун қойири. Бечора бошига тўшган кулфатларнинг тепасида айнан, уша ишонган дўсти турганини тасаввур ҳам етказмасди...". Бундай жумлалардан ишонч ва ҳиёнат, ҳаёт ва ўлим ораси бир қадим йўлнинг фаҳм-лайсиз. Хушёр бортасиз.

Этибор берсак, кейинги пайтларда детектив асарларнинг бозори қаққон эканини кўрамиз. Бу эса атрофда содир бўладиган воқеаларга одамларнинг лоқай эмаслиги, жиноят ботқоғига ботиб бораётганлар қалбига эзгу туйғуларни ўйотишга интилиш кучайиб бораётганидан далолат беради. Бунга Комил Синдаров зийрак нигоҳ билан аниглаб, ҳаётнинг шиддатли томонларини қаламга олади. "Кечиккан қасос" қиссаси ҳуқуқий саводхонлигимиз юксалишига хизмат қилишига умид қиламиз.

Турсун АЛИ

Шолазиз ШОХИДОВ

РЕПОРТАЖИ

ёхуд "оммавий маданият" томирини озиқлантираётган гўшалар



бу ерда эътиборимни тортган баъзи жиҳатларни айтиб ўтмасам бўлмас.

Кечаси клубга келганимиздан сўнг, аниқроғи, соат 11:00 гача у ердаги муҳит сизда яхши таассурот уйғотди. Шинамгина бино, юмшоққина ўриндиқлар, ёқимли мусиқа, рангли чироқлар жиқси, офшант қизларнинг ёқимли муомаласи ва албатта столнинг устида таъбиғиздагидек егуликлар. Бир қараганда, ҳаммаси жойида. Кейинги манзаралар эса буткул бошқача тус олади. Ёши 20 дан то 35-40 гача бўлган қиз ва аёллар гоҳида тўп-тўп бўлиб, гоҳида яқна тарзда кириб кела бошлайди. Устиларига кийиб олган алламбало кийимлари(аслида уларни кийим деб ҳам бўлмайди)ни кўриб, оғзингиз ланг очилиб қолади. "Нима бало, буларга келганда бозорда материал қолмабди-да", деб ўйлайсиз. Аввалига улар стол банд қилиб алкоғол маҳсулотлари қабул қилиди, тамаки чекиб, шайтон базмини уюштирилади (бу базма эркалар ҳам бўлади, албатта). Ана рақсу, мана рақс. Инсон зотидаги барча ҳайвоний хирслар биргина шу рақсда мужассам гўё. Номусини сотган бу "рақс"нинг мусиқага ҳамондан қимирлаётган тана ҳаракатлари дўзах оловидан ёнаётган аёл тисолидай гавдаланди кўз ўнгимда. Олов баттар кучайгандан кучайди, тафти эса дўзах шаробларидан маст бўлган жамик эркаларнинг виждонини, гурури, ор-номуси ва нафсини куйдириб қул қилди. Буни уларнинг юзида акс этиб турган ҳайвоний қарашларида шундоққина акс этди.

Шу зайлда тун яримдан ўтиб, аниқроғи, соат 1-2 дан сўнг таби бир-бирига ўтирган, иккаласи икки томондан келиб, бир томонга кетаётган жумлалардан кўзлаган манзиллари томон кетишди. Бунинг нимаши ҳайратланарли деб ўйлаётгандирсиз. Хулоса қилишга шўшилмай ту-

ринг. Масаланинг туб моҳияти шундаки, айни пайтда қўшмачилик, фоҳишабозлик каби иллатлар қораланиб, профилантика инспекторлари томонидан қаттиқ назоратга олингани, текширувлар натижасида кўпгина қўшмаҳоналар фoш қилингани ва ҳозирда улар фаолиятига умуман чек қўйилаётгани барчага аён. Қўшмачилар ўз фаолиятларини давом эттириши қийин бўлиб қолган бир пайтда турли йўллари қидиришга тушиб қолиши. Энди улар "ПАНДОРА" каби тунги клубларда кўним топиб, у ерларни ўзларининг хуфий масканларига айлантиришди. Бу ерда ҳаммаси осон: келасан, еб-ичасан, ўйин-қўлги, хотиржам ўз "иш"ингни қиласан. Биров мушугингни пишт демайди. Хуллас, бундай масканларда фоҳишаларнинг ошмиги олчи. Қалай, пухта ўйланган иш-а?

Шу ўринда бир мулоҳаза. Хўш, бу қиз ва аёллар ким? Улар қаердан келиб қолган? Ва нима учун бундай номмақўлчиликларга қўл урди экан? Улар туғилиб ўсган шаҳар, туман, қишлоқларида аҳвол қандай? Оила аъзолари, маҳалла-қўй ҳамда ўша ернинг но-зирилари уларнинг қай ерларда ва қандай ишлар билан машғул бўлиб юришганидан ха-бардорми? Ёки бунинг аксини? Шаҳримиз мутассаддилари уларнинг ким эканию, қаердан келгани, нима иш қилаётгани ва қайси уйларда яшаётганини билишармикан? Агар билишса, нега бу борада назорат сус? Шаҳар бедарвоза эмаски, бу ерга хоҳлаган одамнингиз келиб, хоҳлаган номмақўлчилигини қилишса?

Бир аёл менга яқинлашиб, 10.000 сўм пул сўради. Нима эмиш, мусиқа "заказ" қилиб ўйнар экан. "Кўнгиллари яна нимани иста-тайди", дедим кесатик оҳангиди. Бу гаплари-мин жиддий қабул қилди, чоғи, ёнимга келиб ўтириб олди. "Авалл еб-ичамиз, сўнг "Новза" метроси яқинида уйим бор, хоҳла-сангиз дам оламиз", деди безарайиб. Айни дамда, мақсадим йўлида у билан гаплашиш ўринли эди. Суҳбат орасида унинг қаердан келгани, бу ерларда юришга уни нима маж-бур қилганини, оиласини ҳам сўраб кўрдим. Иسمи Замирахон (исми ўзгартрилди), ... ви-лояти ... туманидан келгани, ёши 29 да экани-ни айтди. Айтишча, оиласининг иқтисо-дий аҳвали ёмон эмиш. Турмуш ўртоғи Рос-сияга ишлаш учун кетган, бир-икки бор пул жўнатиб, кейин умуман юбормай қўйган. Икки фарзанди, нафақадаги қайнота ва қай-нонаси билан анча қийналиб қолган Зами-рахон энди тиричилик ўз бўйига тушга-

нини ҳис қилиб, пул топиш йўллари қиди-ра бошлаган. Бир неча бор қариндошлари, қўшниларидан пул қарз олиб турган. Аммо оларда кирар жоним, кетарда чиқар жоним деганларидек, қарзларни тўлаш масаласи анча қийнаб қўйган. Қайнота ва қайнонаси анча кексايиб қолганидан улардан нажот кутолмайди. Қариндошларини, ошна-оғайни-лар, қўшнилар ҳам пулни сутуриб олаётга-ни йўқ. Улардан ҳам умидини узиб, маҳалла қўмтасига ҳам таъминлангани ҳақида маъ-лумотнома сўраб борибди. Маълумотнома ҳам ҳа деганда чиқавермагани, оиладаги етишмовчиликлар, қарзларини ўйлаб боши-ни ушлаган бир пайтда унинг анчадан буён Тошкентда ишлаб юрган дугонаси Сурайё-нинг таклифи жонига ора қилиб, кўнглини равшанлаштирибди.

...Аввалига улар кафеда идиш-товоқ ювиш, фаррошлик каби ишларни қилиб юрибди. Ора-орада кафедра бўладиган жара-ёнларга қўзи тушиб турар, ўзи тенги аёл-ларнинг маишат орқасидан осонгина пул топаётганини кўрган дугоналар ҳалол топа-ётган пулнига қонқимай номуси, ифратидан кечиб, рафлат шаробини ичиб, аёл деган номни бўлгай бошлайдилар. Шу зайлда кели-б турган жойи экан.

Аёлнинг оз фурсатда бўлиб ўтган ва айни дамда давом этаётган бу тарихий одий жара-ён эмас. Бунда кимни айблаган бўлардин-гиз? Келиннинг нима қилаётганидан беҳа-бар қайнота-қайнонасини? Икки боласи ва аёлини боқа олмаган ношуд отаними? Қариндош-уруғларни қўя туринг. Кам таъ-минланган, оливайи шароити оғир оилалар-нинг аҳволидан хабар олмаган, уларга ўз вақтида ёрдам бермаган маҳалла раислари-чи? Бориға шукр қилмай, ҳалол йўлда юрол-маган, номусини сотган аёлнинг ўзи айб-дордир, балки?

Вақт алламаҳал бўлиб қолганини билиб суҳбатни яқунладим. Клубни ташқарида ту-риб бироз кузатдим. Ана холос, аёлларнинг клубдан чиқишини "интизор" қутиб ўтира-диган эркалар ҳам тайёргина экан. Ҳатто уларни талашиб, бир-бирлари билан жиқ-қамушт бўлаётганларига ҳам гувоҳ бўлдим. Кўча тилида айтганда, "разбор" қилишиб ўзининг кимлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлишарди. Шу тобда "эй, гофил банди, шу қилаётган ишининг чексиздан туриб бир то-моша қилсанг эди, кимлигингни кўриб ўзингдан, қилаётган ишингдан жирканиб ке-тар эдинг" дегим келди.

Газета саҳифасида исмини ошкор қилиш-га розилик билидмизми талаба йигит сўзла-рини ҳам ушбу мулоҳазаларим исботи ва гу-воҳи сифатида орага "қистириб" ўтишни ло-зим топдим.

Алдамасам, 2015 йилнинг 21 декабрь са-наси эди, — дейди у. — Курсдошларимиз билан Учтепа туманидаги "Миллион" (Пандо-ра) кафега бордик. Янги йил кайфиятини бузмаган ҳолда байрамни аjoyиб тарзда ни-шонлай бошладик. Кафе шинам, кенг, ёруғ эди. Энг қизиғи, у ерда биздан бўлак ҳеч ким йўқ. Кеч қиргандан сўнг курсдош қизларга рўхсат бериб, йигитлар ёлғиз қолдик. Оралдан ҳеч қанча фурсат ўтмай, бу ерга келувчи ҳўран-далар қўпайгандан қўпайди. Ҳаммаси "аллам-балолар" кириб олган. Бу дунёнинг уст-боши эмас. Биз ҳам қизлар билан еб-ича олмаган егуликларга бюртмага бера бошладик. Буёғи йигитчилик! Шу йўсинда тунги кайф-сафо бош-ланди, ҳамма ажабтовур кийимларда биз эса оқ кўйлақ, костюм-шима. Кейин йигитлар-нинг ҳам уйларида кўнгиноқлар бўла бош-лади. Улар ҳам кетадиган бўлишди. Ку

Ёшлик, шижоат, ғалаба ва қатъият мусобақаси

«Бошланиши 1-бета»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод» спорт уйинларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар барчага байрамона шукуҳни тақдим этди. «Баркамол авлод — 2017» спорт уйинлари оловини бокс бўйича икки карра Олимпия уйинлари иштирокчиси Хуршид Тожибоев ва дзюдо бўйича Осиё чемпиони Ирода Абдураҳмонова ёқди.

Жиззахда ўтказилган финал баҳсларига йўлланма олган ёшларнинг аксариятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, юксак марралар сари интилаётган, катта спорт пиллаясига турган иқтидорли ўқит-қизлар ташкил этди. Бу йилги мусобақаларнинг якуний босқичида жами 898 нафар (шундан 328 таси қизлар) спортчи ва 236 мураббий қатнашди. Беллашувларни 159 олий тоифали ҳакамлар бошқариб борди.

Спорт баҳслари шаҳардаги тўртта объектда ўтказилди. «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуасида бокс, бадмиントン, стол теннис, эркин ва юнон-рум курашлари, дзюдо, таэквондо, оғир атлетика, теннис бўйича ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди. Жиззах политехника институтида волейбол, футбол, Жиззах политехника институти қошидаги академик лицей спорт залида эса ёшлар шахмат бўйича мусобақалашилди.

Спорт байрами иштирокчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун ташкилотчилар томонидан алоҳида дастур қабул қилинди. Бадиий-мусликий кечалар, миллий кино ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Таниқли шоир,



ЎзА олган суратлар

ёзувчи, санъаткор ва спортчилар билан учрашувлардан ёшлар бир олам таассурот олишди. Жиззах шаҳрининг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар уюштирилди.

Мусобақанинг сўнгги кунинда барча спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Таъкидлаш керакки, барча спорт турларида беллашувлар шиддатли ва курашларга бой тарзда ўтди. Атлетларнинг аксарияти халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётган ёшлар экани бунда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса медаллар учун кечган баҳслар шиддатини янада оширди.

Жумладан, оғир атлетика мусобақалари мутахассислар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Спортнинг ушбу турида ўз вилоятлари шаънини ҳимоя қилган тош қўтарувчилар халқаро турнирларга берилган йўлланмалар учун бир неча маротаба рақобатга киришган. Бу гал ҳам бундан мустасно бўлгани йўқ. 69 килограмм вазнда сулуға қўтарил-

ган Наманган вилояти вакили, ўсмирлар ўртасида олимпиада ва жаҳон чемпиони Аҳмаджон Эргашев Жиззахда жиддий қаршиликка учради.

— Рақибларимнинг имкониятларини аввалдан яхши билардим, — дейди у. — Бироқ улар бутун катта иштиёқ билан менга қаршилик кўрсатишди. Андижон оғир атлетика мактаби тарбияланувчиси Х.Тоҳиров икки маротаба мен қўтарган оғирликдан ошқироқ тошни ўзига бўйсундирди. Якунда мураббийларим билан таваккал қилишга мажбур бўлдим. Охириги имкониятда даст кўтаришда 129 килограмм тошга буюртма бердим. Барча диққатимни ушбу оғирликни қўтаришга сафарбар этиб, тошни муаллақ ҳавода ушлаб туриш насиб этди. Ўсмирлар ўртасидаги халқаро олимпиадада даст кўтаришда 125 килограмм оғирликдаги тошни қўтариб барча рақибларимни ортада қолдирган эдим. Жиззахда эса анча куч сарфлашга тўғри келди. Бу ўз навбатида келгусида



машгулотларда янада кўпроқ тер туқишим лозим эканини билдиради. «Баркамол авлод — 2017»да олтин медални қўлга киритганимдан жуда хурсандман. Бизга берилган катта имкониятлардан унумли фойдаланиб, дунё олимпиадаларида Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қиламиз.

Шу кун соат 19:00да «Сўғдиёна» спорт мажмуаси яна меҳмонлар ва томошабинлар билан тўлди. Уч кун давомида маневрлар ва майдонларда бир-бирларига қарши курашган спортчилар бир жойга жамланди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида кучли учликка кирган вилоят жамоаларига Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси топширилди. Аввалги мусобақаларда бўлгани каби Жиззахда ҳам Тошкент терма жамоасига тенг келадигани топилгани йўқ. «Баркамол авлод» мусобақалари ўтказилгандан буюн бош соврин фақат пойтахтликларга насиб этмоқда. Ал-

батта, мамлакатимиз пойтахти Тошкентда бошқа ҳудудларга нисбатан спортга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган. Вилоятларда спортнинг дастлабки сир-асрорларини мукаммал ўрганган, келажagini спортга бағишлаган ўсмирларнинг аксарияти ўқиш ва машгулотларини пойтахтга кўчиради. Шу боис, Тошкент терма жамоасини нафақат Баркамол авлод уйинларида, балки Универсиада мусобақаларида ҳам ортада қолдириш мушкул. Шундай бўлса, вилоят жамоалари бу гал, пойтахтликларга, оғир атлетика, футбол, баскетбол спорт турларида жиддий қаршилик кўрсатиб, олтин медаллардан маҳрум этишни урдашди. Мусобақанинг иккинчи ўрни ва Президент совғаси Андижон вилояти спортчиларига насиб қилди. Бронза медал билан Самарқанд қасб-хўнара коллежларида таҳсил олаётган ўсмирлар тақдирландилар.

Спортда ғалаба ва мағлубият ёнма-ён юришини атлетлар жуда яхши билишади. Мағлублар бундан тўғри хулоса чиқариб, камчиликларни машгулотлар орқали бартараф этадилар. Олдиндаги ички ва халқаро мусобақаларда улардан янада юқори натижаларни кутиб қоламиз.

Таъкидлаш жоизки, Жиззах шаҳри иккинчи маротаба мезбонлик салоҳиятини юксак даражада намойиш эта олди. Бундай фикрни мусобақа иштирокчилари, мураббийлар ва меҳмонларнинг барчасидан эшитиш мумкин. Мусобақа ташкилотчилари навбатдаги «Баркамол авлод» уйинлари эстафетасини Қашқадарё вилоятига топширишди. Уч йилдан сўнг янги авлод спортчиларини Қарши шаҳри муносиб кутиб олишга бугундан энг шимариб ишга киришган.

Жобир ХУЖАҚУЛОВ

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Айрим сабабларга кўра, никоҳимиз, фарзандларимизнинг туғилганлиги тўғрисидаги ва бошқа гувоҳномаларга шикаст етказиб қўйди. Айтиш-чи, бундай ҳолатларда такрорий гувоҳнома олишимиз мумкинми? Зикр қилганлар олмас

Тошкент вилояти.

— Йўқолган ҳужжат йўқолганича, шикастлангани фойдаланишига яроқсизлигига қўлиб кетавермайди. Бундай муаммони ҳал этиш учун янада жойингиздаги ФХДБ бўлимига мурожаат қилиш керак.

Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланаётган ФХДБ бўлими томонидан манфаатдор шахсларнинг аризаларига кўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома берилади. Туғилганлиқ ҳақида такрорий гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахснинг ўзига, унинг ота-онасига ёки давлат нотариал идорасида қонуний тасдиқланган ишончномалар асосида бошқа шахсларга, ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳномалар эса марҳумнинг яқин қариндошлари ва мерсхўрларига, шунингдек, нотариус томонидан тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакилларга берилади. Никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномани фақат никоҳланган шахсларнинг ўзлари олишга ҳақлиқдилар.

Такрорий гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризада гувоҳнома қандай сабабга кўра талаб қилинаётганлиги кўрсатилиши керак. Такрорий гувоҳнома фуқаро мурожаат этган кунгидея берилади.

Агар такрорий гувоҳнома сўраб мурожаат этилган ФХДБ бўлимида тегишли далолатнома ёзуви йўқ бўлса, ФХДБ бўлими аризани ва далолатнома ёзуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани шаҳар, вилоят ёки республика ФХДБ архивига тегишли текширув ўтказиш ҳақида такрорий гувоҳнома бериш учун юборди.

Такрорий гувоҳнома олишда ариза берувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатишни шарт.

Саволга Чирчиқ шаҳар ФХДБ бўлими мудири Дилдора УМАРОВА жавоб берди.

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИНГ МОҲИЯТИ

ҚУТЛУҒ КУНЛАРИМИЗ

Мустақиллик неъматини боис, алҳамду-лиллаҳ, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янгича чирой очмоқда. Хур диёримиз мусулмонлари мана йигирма олти йилдирки, мустақиллик шароитида эркин нафас олаётганликларидан Аллоҳ таолога чексиз миннатдорчилик изҳор қилиб, доимий равишда ҳамду санолар айтмоқда. Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистони-миз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада раванқ топмоқда. Айниқса, ҳукуматимиз раҳбарияти мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Яқиндагина Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш асносида мазкур ҳудудда жойлашган «Сузуқ ота» мақбаси ва жомеъ масжиди бўлиб, жамоатчилик вакиллари билан қилган суҳбатини тингларканмиз, динимизнинг асл моҳиятини ёшлар онгу шурига синдиришда нима-ларга чуқурроқ эътибор қаратиш лозимлиги борасида ўзимизга тегишли хулосалар чиқардик. Динимизга, қадриятларимизга давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори барчамизни қувонтирди.

Президентимизнинг қутлуғ кунлар арафасида

яна бир муҳим ҳужжатга — «Муборак Рамазон ойи муносиб кутиб олиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекканларидан ҳам, беҳад қувондик. Қарорда нафақат рамазон ойи, балки мўмин-мусулмонларга бўлган эътибордан бошимиз осмонга етди. Рамазон ойи бизга ўз фойдамизини эмас, бошқаларнинг манфаатини кўзлаб яшаш кераклигини ўргатади. Бу ойда саховатпеша халқимизнинг меҳр-муруввати янада ортади.

Советлар даврида бутунгидек кенг, ёруғ ва муҳташам масжидлар қаёқда, дейсиз...

Таровеҳ намозларини қўя туринг, ҳатто ҳайит намозларини ҳам мазорларда беркиниб ўқиган

кунларимиз бўлган. Ҳозир биргина Тошкент шаҳрида юздан ортиқ масжид бор. Шунинг ўзи ҳам юртимизда мўмин-мусулмонларнинг бемалол ибодат қилишларига ҳеч қандай тўсқинлик йўқлигидан далолат. Бу кунларга етиш кўпчиликка насиб этмади, бу кунларнинг қадрини ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайди.

Шу улғ кунларда истиклол шарофати ила муқаддас ислом динимиз арконларини, қадриятларимиз ҳамда ибодатларимизни эмин-эркин адо этишимиз учун Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан барча қулайликлар, зарур шароитлар яратиб берилганини, жаҳон илму фани, маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ўнлаб алломаларимизнинг илмий мерослари ва қадамжолари тикланганини мамнуният билан таъкидламоқ лозим.

Рамазон ойи қалимдан юртимизда халқимизга хос меҳр-мурувват, баррикентлик ва саховат ифодаси бўлиб келган.

Ушбу фазилатли ойда хайрли ва савобли ишларни кўпроқ амалга оширишга, жисмоний ва маънавий томондан покла-нишга, ёмон сифатлардан, қабиҳ одат ва қилмишлардан холи бўлишга ҳаракат қилинади, қўлпал хайрия, эҳсон ва мурувват талбирлари амалга оширилади.

Мана, улғ ойнинг муборак кунларига ҳам етдик. Гуноҳлардан покланган қалб эзгуликка тўлмоқда. Эзгуликка лиммо-лим диллардан тўкилган дуолар бешак ижобат бўлмай, иншооллоҳ! Шундай экан, самимий тилаклар тўхтовсиз Даргоҳи Илоҳийга юқалиб турган мана шу ғанимат паллада азиз диёримиз, қадрли юрдошларимиз ҳақида эзгу дуолар қилсак: Илоҳим, ватанимиз осмони ҳамиша му-саффо бўлсин.

Ватанимизни обод, турмушимизни янада фаровон бўлиши йўлида чарқоқ ва хорлиқ билмай меҳнат қилаётган муҳтарам давлат Раҳбаримизни Парвардигорнинг ўзи қўлласин. Фазилатли Рамазон ойи шарофати билан дилларингиз имон нури ила мунаввар бўлиб, хонадонларимиз хайру баракотга тўлсин, бошимиз узра меҳр-оқибат ва илму маърифат нурлари ёғилверсин.

Рамазонни шариф ҳам тинчлик, барокат, яхшилик келтирсин. Аллоҳ тало баркамолликка интилаётган фарзандларимиз салоҳиятга, ватанига садоқатли бўлишини насиб айлаласин!

Раҳматуллоҳ Сайфулдинов, Тошкент Ислам институти ўқитувчиси, «Мирза Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби

Термизий ривоят қилган ҳадислар

Саҳл ибн Саъднинг айтишича, ҳазрат Расулаллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Кишилар ифторликни тезроқ қилсалар (яъни оғиз очсалар), бидъатдан узоқ бўлади-лар».

Абу Ҳурайра ривоят қилишича, ҳазрат Набий (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Кимки ёлгон сўзлашни, бошқа бировга бўҳтон

қилишни қўямаса, унинг тутган рўзасига Аллоҳ таоло муҳтож эмас».

Анас(ибн Молик)нинг айтишича, Набий (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Саҳарликни енглар, чунки саҳарликда барақа бор».

Абу Исо айтурси, Анаснинг ҳадиси ҳасан саҳиҳдур.

«Саҳаҳи Термизий»дан

ТАДБИРКОРЛИККА ҚАДАМ «АСАКА» БАНК БИЛАН!

БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН

20 ДАН ОРТИҚ
ЙЎНАЛИШЛАРГА
МИКРОКРЕДИТЛАР



ЧОРВАЧИЛИК



ҚҲҲҲҲҲҲ



ПАРРАНДАЧИЛИК



ЎЗУМЧИЛИК



САБЗАВОТЧИЛИК



БОҒДОРЧИЛИК



ИХЧАМ ИССИҚХОНА



АСАЛАРЧИЛИК



НОНВОЙХОНА



ҚАҲДОНЛАТ МАХСУЛОТЛАРИ



МИЛЛИЙ ШИРИНЛИКЛАР



БАЛИҚЧИЛИК



ҚҲҲҲҲҲҲ



КАСАНАЧИЛИК



МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ



АВТОМОБИЛЛАРИНИ ЮВИШ ШАҲОВЧАЛАРИ




АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТЛАР



ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ



КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТЛАРИ



ТИҚУВЧИЛИК



ПОЙАБЗАЛ ТУЗАТИШ



САРТАРОШХОНА ВА ГҲҲҲҲҲҲ



КИМӨВИЙ ТӨЗАЛАШ ХИЗМАТИ

(+99871) 120 13 51 | 120 26 37 | 120 26 40

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«АСАКА» БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!

Reklama